Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 21 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 47 (6943)

Da'vat

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г. СПЕНСЕР.

Ibrat

Олий ўқув юртлари талабаларининг республика олимпиадаси ғолибларидан Олия Алимова, Гевонд Хубларов, Темур Тошбоевлар Франциянинг По шаҳрида буладиган ёшларнинг анъанавий фестивалида қатнашадилар.

Талабаларнинг Францияга бориб қайтиш харажатини элчихона ўз зиммасига олди.

ТошДУдаги унутилмас воқеа

Озарбойжон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи самарали кечди

Озар ўлкаси, унинг дилкаш халқи ўзбекларга қадим-қадимдан таниш ва яқин. Бу икки халқнинг бирбирини билиши, алоқада бўлиши, ҳамкорлиги давом этмоқда.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташриф буюриши ҳам ана шу ҳамкорлик ришталарининг тагзамини бўла олади.

Маълумки, 1996 йилнинг май ойида республикамиз Президенти Ислом Каримов озарбойжонлар юртида бўлиб, умумдавлат ва иккала халқ манфаатларига мос йигирмага яқин ҳужжатларнинг имзоланишига бош қўшган эди.

Озарбойжон Президентининг Ўзбекистонда бўлиши катта аҳамиятга эга. Иккала давлат бошлиқларининг яккама-якка суҳбатлари музокараларга бой бўлди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва жаҳон миқёсидаги муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

— Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги алоқалар давом этади, — деди мамлакатимиз раҳбари музокаралар чоғида. — Ўзбекистонда минглаб озарбойжонлар истиқомат қилади. Уларнинг ўз маданият ва маърифат марказлари ҳам бор. Мамлакатларимиз иқтисодий манфаатларининг туташ нуқталари талайгина. Кавказорти транспорт йўлагининг бугунги кунда келтираётган самараси фикримиз исботидир. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, жуда кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга дуч келди. Бироқ жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда иқтисодий ислоҳотлар натижасида мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини муайян даражада кўтаришга эришдик.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев учрашув пайтида ҳамкорликнинг муҳим бўғинини транспорт коммуникацияси ташкил этишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Кавказорти йўлаги бўйича шу йилнинг беш ойи мобайнида ташиб ўтилган маҳсулот ҳажми 1996 йилги умумий кўрсаткичдан беш баробар кўпдир.

Музокаралар ниҳоясида иккала давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳуқуқий ёрдам, фуқаро, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Президентлар музокарасидан сўнг бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманида қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Президентлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

19 июнь куни Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетига ташрифи унутилмас воқеа бўлди.

Университет ректори вазифасини бажарувчи, академик Т. Долимов ҳам олий мартабали меҳмонларнинг ушбу даргоҳга ташрифи ва мазкур учрашув университет аҳли — ўқитувчи ва талабалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолажагини таъкидлади.

Университет илмий кенгаши Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фан ва маданиятни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевга Тошкент Давлат университети фахрий доктори унвонини берди. Йиғилишда олий мартабали меҳмонга ана шу диплом тантанали равишда топширилди.

Озарбойжон раҳбари Ҳ. Алиев ўзига кўрсатилган бундай эъзоз учун миннатдорчилик билдирар экан, бундай деди:

— Аввало, университет аҳлига, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқига ўзим ҳамда Озарбойжон халқи номидан самимий эҳтиромни изҳор этаман. Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбойжон халқи ҳам башарият тараққиёти, илм-фан равнақи учун улкан хизмат қилгани оламга маълум. Биз буюк мутафаккирлар — Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фузулий, Бобурни ва бошқа кўплаб таниқли зотларни ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай буюк алломаларнинг фарзандлари эканимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тошкент Давлат университети Марказий Осиёдаги нуфузли билим даргоҳларидан бири сифатида машҳурдир. Марказий Осиё халқининг маънавий-маданий ҳаётида ушбу университет катта аҳамият касб этиб келган. Унинг ўрни ҳозир ҳам ҳар қадамда сезилиб туради. Ана шундай обрўли илм даргоҳининг фахрли доктори шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Президент Ҳайдар Алиев Тошкент Давлат университетига эсдалик совғаси — машҳур озар шоири Фузулий портретини ҳадя қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни фахрий унвон билан самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштириб турадиган тарихий-маданий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди:

— Мен бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда тарихий-маданий омилларнинг эътиборга олиниши диққатга моликдир. Лекин шундай жиҳатлар борки, улар бугунги ўтиш даврининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Бундай мураккаб даврда ҳар бир давлат ўзига ишончли ҳамкор бўла оладиган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шу маънода Озарбойжон ҳукумати юритаётган ташқи ва ички сиёсат бизга мақбул. Қолаверса, Озарбойжон бугунги кунда ўз мустақил йўлидан дадил бораётган ёш, мустақил давлатлардан биридир. Бу хусусият ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш ғояси билан илгари бораётган ва иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошираётган Ўзбекистон халқи учун ҳам яқиндир.

Айни пайтда кишиларимиз онги, фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ишларга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардандир. Янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун, аввало тафаккуримизни бутунлай янгиламоғимиз зарур. Бу жараёнда ёш авлод тарбияси — энг асосий масала.

Президентлар Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Озарбойжоннинг Тошкентдаги элчихонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар.

Шу куни Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюриб, ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Сўнгра Ҳайдар Алиев республика Товар-хом-ашё биржасини ҳам бориб кўрди.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

СУРАТДА: олий мартабали меҳмонга фахрий унвон дипломи топширилмоқда.

ЎзА сурати.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорга кўра ҳокимликлар аппаратида бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга Давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

JUMLADA JAHON

Сирдарё ва Наманган вилоят ҳокимликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

АҚШ Президентининг маслаҳатчиси Ричард Морнингстар бошчилигидаги делегация республикамизга ташриф буюрди.

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов номи Каспий денгизи соҳилидаги унинг номи билан аталувчи шаҳар яқинидаги собиқ Красновод кўрфазига ҳам берилди.

Афғонистоннинг собиқ мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Маъсуд миллий бирлик ҳукумати тузишини билдирди, бу ҳукуматда «Толибон» ҳаракати вакиллари учун ҳам жой бўлиши маълум қилинди.

Tajriba

ҚЎШИҚ-ЛА БОШЛАНГАН ДАРС

Ўқитувчи қандай бўлиши керак? Саволнинг бундай тартибда қўйилишидан бироз таажжубланган киши «Албатта, ўз касбининг билимдони бўлиши керак-да», дейиши табиий. Тўғри, ўқитувчи билимдонлиги муҳим фазилат. Лекин фақат бугина эмас. Ўқитувчи ўқув дастурида кўзда тутилган билимни ўғил-қизларга етказа олиши лозим. Билимни етказганда унинг замонавий илғор усулларни қўллай олиши, янги технология воситаларидан ўринли ва самарали фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Шундай деймизу яна саволлар туғилаверади. **Билим ва тажрибанинг болалар онгида уйғунлашиб боришига қандай эришилади?...**

Юртбошимиз «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси йиғилишида бу каби саволларни бежиз ўртага ташламади. Демак, юқоридаги фазилатлар ўқитувчи учун кифоя эмас экан.

Ўқитувчи, аввало, болалар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, инсонийлиги билан ёш кўнгилларда одамийлик гулханини ёндира олиши лозим. Шу билан бирга уларни мустақил фикрлашга ўргатиши муҳимдир. Бу тамойил ҳар бир муаллим дарси асосини ташкил этмоғи шарт. Истиқбол мактаби дастурида ана шу фикр қатъиян ўрин олади. Демак, келажак мактабида дарс берадиган муаллимларнинг ҳар бирида таълим-тарбияга янгича ёндашув, ўзига хос услуб бўлмаса, ўғил-қизларни мустақил фикрлашга ўргата олмайди.

Биз яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар орасида бўлиб, «Мустақил фикрлашга ўргатиш — дарс асоси» мавзуидаги тажрибаларини қайд этдик. Андижон шаҳридаги 31-мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллимаси Шоҳидахон Юсупова дарсларда «Фавқулоддалик — муваффақият гарови», деб ҳисоблар экан. Дарҳақиқат, унинг болаларга жумлаларни шарҳлаб ёздириши ва уларни ижодий фикрлашга ўргатиб бориши ҳамда ўқувчилар олдига айрим дарсларда (масалан, бирор бадиий асар ўтилганида муаллима эски узук тақиб ёки эски дўппи кийиб келиб асардан парча ижро этади) фавқулодда ҳолда кириб боришини кўрган боланинг машғулотларда ҳайратга тушмасдан иложи йўқ. Ҳайрат эса қизиқишни уйғотади, мустақил фикрлашга ундайди...

Тўрткўл туманидаги 54-лицей-мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Тоҳир Рўзибоев шу мавзу хусусида тўхталиб, бизга Тўрткўл шаҳридаги 8-ўрта мактабда дарс бераётган америкалик ўқитувчи Финкер Бренси дарси ва унинг болалар билан илиқ муомаласи ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Қўнғироқ чалинди.

Дарс ташкил қилингандан сўнг, ўқитувчи машғулотни қўшиқ айтиш билан бошлади. Ўқувчилар қўшиққа жўр бўлишди. Албатта, бу услубнинг фонетик таъсири борлиги сир эмас. Кейин у синф тахтасига мавзу ва керак ёзувлар ёзиб, ўқувчилардан уй топшириқларини сўрай бошлади. Гоҳ ўзи жавоб қилади, гоҳ ўқувчилар, гоҳ уларга ёздиради, гоҳо ўзи ёзади. Муаллима расмли карточкалар тарқатди: ўқувчилардан қайси давлатга мансуб шахс эканлигини сўрай бошлади, улар жавоб беришди. Бу — дарсни сиёсий-маърифий жиҳатдан қамраб олиш услуби, дейиш тўғрироқ бўлади. Кейин болаларни ўртага чиқариб, бир-бирига савол-жавоб қилдирди, бунда ҳам фикр юритиш бор, ҳам физминут бор, ҳам ўйин..

Дарс жараёнида ўқувчига ҳар бир ҳаракат жиддий таъсир қилади, одоблиликка ўргатади, булардан ҳам ўқитувчи унумли фойдаланди. Ўзи ҳар бир дақиқани қуруқ ўтказмасликка ҳаракат қилди. Ўқувчилардан бир гуруҳини ўртага чиқариб, ёнига ўтказиб савол берди, улар жавоб беришди, у жавоб берди. Хуллас, дарс қизиқарли ўтди.

Кўриниб турибдики, ҳар иккала дарс икки хил услубда бўлса ҳам бутунлай ҳаётий ва эркинликка омухталаштирилган. Ҳорижлик муаллиманинг ўқувчиларни ўзига яқин олиб муносабатда бўлиш саҳнаси дарс муваффақиятини таъминлаган.

Дарс — ижодий жараён. Шундай экан, ҳар бир машғулотда, дарсда расмиятчиликдан воз кечилиши зарур ва шарт. Ана шундагина таълим-тарбия соҳасида янги-янги муваффақиятларга эришиш шубҳасиздир.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

АМЕРИКАДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ
2-бет.

«МАЪНАВИЯТ... НИМА ЎЗИ?»
3-бет.

НУРЛИ «ОҚШОМ»ЛАР

...Ҳамон бошимда шу кўк гумбазли осмон осиғлиқ. Теграмда бесарҳад фазо, мангу сукунат... Ҳамон ўша-ўша. Мен ҳануз заминнинг елкасидаман. Фасллар айланиши, шамоллар саси; юлдузлар порлаши, баҳорлар гашти; оламнинг рангию чақмоқлар жаранги. Ҳамон бир хил... Бир хил.

Мен илк дафъа кўз очганимда шу кўрганларимни дунё дейишганди. Воажаб!

Кечаги кўнгилдаги ҳайратлари бугун ҳавасга айланган, ўсмирликнинг сўнгги дарвозасида турган бир гуруҳ йигит-қизларнинг нигоҳлари менга шуларни айтди.

Кечаги болаликнинг беғубор ғўшаларига гирён боқиб турган, бугун эса мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган бир гуруҳ йигит-қизларнинг чеҳралари шуларни айтди.

Улар яна кўп нарса деди менга, бироқ мен барини ёзиб ололмадим. Ёзиб ололганларимнинг бор-йўғини юқорида ўқидингиз. Энди тубанда эса кўрганларимни ўқинг.

Дарҳақиқат, республикамиз мактабларида ёзги таътил бошланиб, битирувчи синфлар ҳам сўнгги синовлардан ўтиб олишди. Бу жумламизнинг исботи бисёргинаю бу сафар биз атиги 2 та мисол билан кифояланамиз.

Кеча Сирғали туманидаги 104-мактабнинг 11-синф ўқувчилари туман марказидаги «Бахт уйи»да битириш кечасини нишонлашди. Шунингдек, Республика Нафис санъат лицейининг битирувчилари ҳам жонажон маскани билан хайрлашув оқшомини ўтказдилар.

Айниқса, лицей битирувчиларининг оқшомида республика халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султоновнинг қатнашиши ҳамда ўқувчиларга эндиги мустақил ҳаёт йўлларида омадлар тилаши уларни ғоят мамнун этди.

Хуллас, мен ҳар иккала даврада мавж ураётган ҳаяжоннинг суратини чизиб беролмайман. Яхшиси уларнинг ўзлари айтсин.

104-мактаб директори Абдунаби Орипов:

— Бугун 78 нафар битирувчи ўқувчиларимизни ку-

(Давоми 3-бетда).

Milliy dasturga takliflar

ЯНГИЛИК — УМИД ДЕМАК

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган янги турдаги муассаса республикада ягона бўлиб, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги иқтисодга йўналтирилган 1-ўқув комплекси деб номланади. Мухбиримиз ўқув комплексининг илмий раҳбари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ёрқин МУҲИБОВдан зиё маскани фаолияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ёрқин ака, ўқув мажмуининг мақсади ва янги ташкил этилган бошланғич синфлар ҳақида гапириб берсангиз.

—Болалар билан янги усулларда ўқитиш бўйича эксперимент ишларини 1990 йилда бошлаганмиз. Ўқув комплекси директори, педагогика фанлари номзоди Зуҳра Валиева 1989 йилда тажрибани тумандаги 41-мактабда уч ёшли болаларга иқтисодий билим беришдан бошлаган ва бу ишни 76-мактабда давом эттирган. Ҳозир ўша болалар 4-синф — «Уйғониш» синфида таҳсил олаётирлар. Билим маскани 1995 йилда Халқ таълими вазирлигининг 58-буйруғи асосида ўз мақомини олган. 1996-97 ўқув йилида масканимизда еттита синфда болалар таҳсил олди. Бу синфларнинг ҳар бири алоҳида номланган. Иккита 1-синф—»Бардошлик», «Сафдошлик»; иккита 2-синф — «Интилиш», «Ижодкорлик»; иккита 3-синф — «Тараққиёт», «Ҳамкорлик»; битта 4-синф — «Уйғониш» деб аталади ва мактабни битиргунга қадар шу ном давом этаверади. Мазкур гуруҳлардаги жами 110 ўқувчига 27 нафар ўқитувчи ва 7 нафар тарбиячи таълим-тарбия бермоқда. Барча фанлар ва тарбиявий ишларни иқтисодий билимларга, иқтисодий ҳаётга боғлаб ўргатишни жамоамиз олдига вазифа қилиб қўйганмиз.

— Иқтисод ҳақида илк тушунча кичкинтой болаларга дастлаб қандай тушунтирилади?

— Биздаги тажрибанинг энг қийин ва мураккаб жойидан савол бердингиз. Сизу биз учун ўзлаштирилмаган қўриқ каби бўлган бозор иқтисодиёти масалаларини мактаб болаларига ўқитиш, ўргатиш муаммосини ҳақиқатан ҳам тажриба майдончаларида синаб кўриш мақсадга мувофиқ. Иқтисод фанидаги тушунчаларни катталар ҳам баъзан қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Шунинг учун ҳар бир иқтисодий тушунчани мумкин қадар соддалаштириб — 6-10 ёшдаги болаларнинг фикр-

(Давоми 2-бетда).

МММ

ХАБАРЛАРИ

ОДАМЛАР БЎЛАДИКИ, ЎЛГАНДА ҲАМ ТИРИКДИР

Усмон Юсупов туманидаги 2-лицей-интернатига халқ таълимининг жонкуяри, фидойи инсон Умидулла Ғаниев номи берилгани жуда хайрли иш бўлганди. Куни кеча эса ушбу ўқув масканида У.Ғаниев бюстини очишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Туман ҳокими Ё.Турсунов маросимни очаркан, Умидулла аканинг туман халқ хўжалиги ривожига қўшган ҳиссаси, айниқса, халқ таълими соҳасида хизмат қилган йилларида амалга оширган талайгина савобли ишлари, жумладан, қишлоқ жойлардаги таълим-тарбия ишларини яхшилашдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Маросимда туман ХТБ мудири Ғ.Аминов ва бошқа кўплаб соҳа кишилари, фахрийлар иштирок этишди. О.Ғаниев бюст муаллифи Б.Пардаевга узининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этди.

Райҳон ПИРНАЗАРОВА.

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» деҳқон фермерлар уюшмаси қошида «Лочин» оромгоҳининг очилиши болажонлар учун яна битта ажойиб совға бўлди. Очилиш маросимида шаҳар ҳокими М.Сеидниязов, «Баракат» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Ж.Бузов, шаҳар ХТБ катта назоратчиси С.Ҳалимбетовлар иштирок этишиб, оромгоҳдаги шарт-шароитлар ва унинг имкониятлари ҳақида сўзлаб бердилар. Оромгоҳ бу йил ўз бағрига уч сменада 160 болани қабул қилишни мўлжаллаб турибди.

Айниқса, 11 нафар ногирон болага оромгоҳга бепул йўлланма берилиши ташкилотларнинг чиндан ҳам хайрли ишга бел боғлаганликларини очиқ-ойдин намоён қилди.

Рустам БОЙМАТОВ.

ХОРАЗМНИНГ МЕҲРИБОН «БОҒЧА ОПА»ЛАРИ

Яқинда Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси «Йил тарбиячиси» вилоят танловини ўтказди. Унда вилоятнинг энг меҳрибон «боғча опа»лари болакайларга қанчалик меҳрибон эканликларини, педагогик маҳоратларини, борингки, бор санъатларини намойиш этишди.

Танлов якунига кўра Боғот туманидаги 2-боғча тарбиячиси З.Зайниддинова 1-ўринни эгаллади. Ҳазорасп туманидаги 4 ва Қўшкўпир туманидаги 2-боғча тарбиячилари Ф.Латипова, Г.Шероваларга иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринга эса Янгиариқ туманидаги 5- ва Янгибозор туманидаги 3-боғча тарбиячилари С.Абдуллаева ва Ё.Бердимуродовалар муносиб деб топилди.

И.ОЛЛОБЕРГАНОВ.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Сирдарё шаҳри	30	34.44	13	44	55.49	3	16	37.50	6	29	52.01	4
2	Янгиер шаҳри	86	48.03	2	47	55.67	2	29	47.99	1	27	55.45	3
3	Ширин шаҳри	19	51.32	1	6	60.65	1	9	47.84	2	5	47.22	6
4	Гулистон шаҳри	224	40.22	9	167	55.41	4	110	37.12	7	86	50.29	5
5	Сирдарё тумани	105	38.20	10	15	44.81	9	54	29.42	12	6	56.02	2
6	Ховос тумани	147	43.61	5	11	50.00	7	54	34.83	11	7	46.43	7
7	Гулистон тумани	199	43.22	6	10	55.28	5	89	36.99	8	4	58.33	1
8	Сайхунобод тумани	138	38.16	11	24	46.18	8	60	37.92	5	13	35.26	10
9	Ш. Рашидов тумани	133	45.05	3	10	35.56	12	63	36.55	9	2	22.22	12
10	Боёвут тумани	170	43.04	7	2	38.89	11	67	37.94	4	2	37.50	9
11	Мирзаобод тумани	104	37.74	12	4	40.28	10	59	26.27	13	4	38.19	8
12	Меҳнатобод тумани	55	44.90	4	0	0.00	0	21	36.38	10	0	0.00	0
13	Оқолтин тумани	79	41.17	8	9	54.63	6	26	39.53	3	2	29.17	11

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Сирдарё шаҳри	4	35.42	1	11	29.29	4	9	35.80	13	5	41.11	6
2	Янгиер шаҳри	12	25.23	8	12	44.21	2	17	52.94	4	5	59.44	2
3	Ширин шаҳри	5	33.33	2	5	33.89	3	5	57.22	1	0	0.00	0
4	Гулистон шаҳри	34	27.86	4	12	44.68	1	42	42.20	10	11	60.86	1
5	Сирдарё тумани	23	23.43	11	2	19.44	8	20	47.92	7	3	37.96	7
6	Ховос тумани	28	27.38	5	3	28.70	5	44	49.56	6	1	25.00	9
7	Гулистон тумани	45	24.75	9	1	8.33	10	54	55.25	3	1	27.78	8
8	Сайхунобод тумани	25	26.33	6	3	26.85	6	36	41.51	11	2	58.33	3
9	Ш. Рашидов тумани	31	24.28	10	0	0.00	0	37	56.31	2	2	45.83	5
10	Боёвут тумани	30	28.24	3	2	18.06	9	58	44.11	8	0	0.00	0
11	Мирзаобод тумани	20	21.81	12	0	0.00	0	29	44.06	9	0	0.00	0
12	Меҳнатобод тумани	11	25.51	7	0	0.00	0	12	52.31	5	0	0.00	0
13	Оқолтин тумани	6	21.30	13	1	25.00	7	17	39.71	12	3	50.93	4

Davlat test markazi tahlili

СИРДАРЁ ТАЪЛИМИНИНГ КЎЗГУДАГИ АКСИ...

Газетамизнинг бугунги саҳифасида Сирдарё вилоятидан 1996 йилда тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг натижаларини жадвал ва гистограммалар кўринишда берилди. Сирдарё вилоятининг натижаларини Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидагиларни берди:

Фанлар	вилоятнинг самарадорлиги (%)	Республикадаги ўрни	Республика бўйича ўртача самарадорлик (%)
Ўзбек тили ва адабиёти	41,88	11	45,41
Математика	36,12	12	40,65
Физика	25,84	12	27,43
Биология	47,63	12	54,64
Кимё	35,28	13	42,82
Тарих	48,96	8	51,22
География	50,23	1	43,33
Инглиз тили	36,45	9	38,81
Немис тили	22,59	13	27,26
Француз тили	27,27	10	29,26

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Сирдарё вилоятидан кириш имтиҳонларида қатнашган абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари (география фанидан ташқари) Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичидан паст. Туман ва шаҳарларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили қуйидагиларни берди: ўзбек тили ва адабиёти ва математика фанларидан Янгиер, Ширин шаҳарлари; физикадан Сирдарё, Ширин шаҳарлари ва Боёвут тумани; биологиядан Ширин шаҳри, Ш. Рашидов ва Гулистон туманлари; кимёдан Ширин, Янгиер шаҳарлари ва Ховос тумани; тарихдан Меҳнатобод тумани, Янгиер, Ширин шаҳарлари; географиядан Оқолтин, Сайхунобод, Ш. Рашидов туманлари; инглиз тилидан Ширин шаҳри, Гулистон тумани; немис тилидан Мирзаобод, Сайхунобод туманлари; Ширин шаҳарларининг самарадорлик кўрсаткичлари қолган туман ва шаҳарларга нисбатан бироз юқорилигини кўриш мумкин.

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари тест натижаларига оид таҳлилий материалларини чуқур ўрганиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар, деб умид қиламиз.

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Сирдарё шаҳри	9	21.91	13	6	31.94	5	5	50.56	6	10	53.06	3
2	Янгиер шаҳри	12	41.67	3	4	45.83	3	42	53.04	2	15	55.37	2
3	Ширин шаҳри	4	54.86	1	0	0.00	0	6	52.78	3	1	83.33	1
4	Гулистон шаҳри	29	36.02	6	12	50.46	1	80	49.90	7	70	48.65	4
5	Сирдарё тумани	17	30.07	10	3	25.93	8	34	46.73	11	6	39.35	9
6	Ховос тумани	35	42.54	2	1	27.78	6	53	51.73	5	3	46.30	6
7	Гулистон тумани	47	37.88	5	1	16.67	9	69	44.85	12	5	43.33	7
8	Сайхунобод тумани	32	32.03	9	2	50.00	2	43	48.06	9	9	47.84	5
9	Ш. Рашидов тумани	33	40.40	4	2	34.72	4	36	52.16	4	6	27.78	10
10	Боёвут тумани	51	34.10	7	0	0.00	0	54	48.66	8	0	0.00	0
11	Мирзаобод тумани	28	27.98	11	0	0.00	0	22	41.04	13	0	0.00	0
12	Меҳнатобод тумани	10	26.94	12	0	0.00	0	23	53.62	1	0	0.00	0
13	Оқолтин тумани	17	33.33	8	2	26.39	7	38	47.22	10	5	42.22	8

	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Сирдарё шаҳри	1	25.00	7	0	0.00	0	13	36.32	6	23	57.49	3
2	Янгиер шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	46	43.06	1	29	51.34	5
3	Ширин шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	5	38.33	4	1	75.00	1
4	Гулистон шаҳри	1	19.44	8	0	0.00	0	91	42.00	2	128	52.39	4
5	Сирдарё тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	42	31.28	12	10	43.33	7
6	Ховос тумани	1	27.78	6	0	0.00	0	56	34.67	8	5	38.89	8
7	Гулистон тумани	2	37.50	5	0	0.00	0	65	34.36	9	7	64.29	2
8	Сайхунобод тумани	3	90.74	1	0	0.00	0	47	32.45	10	14	44.05	6
9	Ш. Рашидов тумани	1	47.22	3	0	0.00	0	38	37.35	5	7	20.24	11
10	Боёвут тумани	2	40.28	4	0	0.00	0	43	36.24	7	0	0.00	0
11	Мирзаобод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	32	30.82	13	4	35.42	9
12	Меҳнатобод тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	27	32.10	11	0	0.00	0
13	Оқолтин тумани	1	55.56	2	0	0.00	0	44	38.83	3	4	31.94	10

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Сирдарё шаҳри	0	0.00	0	3	17.59	3	1	19.44	11	0	0.00	0
2	Янгиер шаҳри	3	23.15	6	0	0.00	0	2	23.61	7	1	75.00	1
3	Ширин шаҳри	3	24.07	3	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0,00	0
4	Гулистон шаҳри	30	23.70	4	14	48.61	1	3	29.63	4	0	0.00	0
5	Сирдарё тумани	14	20.44	9	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Ховос тумани	2	23.61	5	0	0.00	0	6	24.07	6	2	31.94	4
7	Гулистон тумани	8	21.88	7	0	0.00	0	8	34.38	2	1	36.11	3
8	Сайхунобод тумани	17	25.00	2	3	28.70	2	6	23.15	8	2	26.39	5
9	Ш. Рашидов тумани	6	20.37	10	0	0.00	0	15	35.19	1	0	0.00	0
10	Боёвут тумани	4	18.06	11	0	0.00	0	20	24.17	5	0	0.00	0
11	Мирзаобод тумани	3	25.00	1	0	0.00	0	7	20.24	10	0	0.00	0
12	Меҳнатобод тумани	3	15.74	12	0	0.00	0	1	22.22	9	0	0.00	0
13	Оқолтин туманн	5	21.67	8	0	0.00	0	1	33.33	3	1	55.56	2

АМЕРИКАДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ

АҚШда ўрта мактабни тугатган ўқувчилар ҳуқуқшунослик мактабларига тўғридан тўғри эмас, балки коллежда таълим олганларидан сўнггина киришлари мумкин. Коллежда тўрт йил ўқилгач, талаба ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрланувчи уч йиллик курсларга қабул қилинади. Бундай курсларга кириш учун бирор бир соҳа бўйича бакалавр даражасига эга бўлиш ҳамда Law School Admission Test (ҳуқуқий мактабнинг танлов тестини) муваффақиятли топшириш лозим. Уч йиллик ўқиш тугаллангач, Juris Doktor (ҳуқуқшунос доктор) даражаси олинади. Ушбу унвон билан мутахассис сифатида фақат АҚШда ишлаш мумкин. Чет эллик талабалар буни ёдда тутишлари керак.

КОЛЛЕЖДАГИ ТАЪЛИМ

Коллежда ўқиётган бўлажак ҳуқуқшунослар учун қайси соҳа бўйича бакалаврлик даражасига эга бўлиш катта аҳамиятга эга эмас. Коллеждаги таълим талабага ўзининг мулоҳаза ва мушоҳада юритиш қобилиятини ўстириш, турли соҳаларда ўз билимини синаб кўриш имкониятини беради. Америка юридик ўқув юртлари ассоциацияси талабаларга қуйидаги фанларнинг баъзилари ёки кўпчилигини ўрганишни маслаҳат беради. Булар: инглиз тили, тилшунослик, тарих, фалсафа, мантиқ, иқтисодиёт, ижтимоий фанлар (социология, психология, антропология) ва информатика.

Таълим жараёнида бирор соҳага чуқур кириб боришдан кўра ушбу фанлар бўйича умумий билимнинг кучли бўлиши афзалроқ ҳисобланади. Ҳуқуқшунослик ўқув юртида таълим олиш учун бакалаврлик даражасини АҚШда олиш талаб қилиб қўйилмайди, бироқ бу касбга интилаётганлар ичида рақобатнинг кучли эканлигидан, Америка ҳуқуқшунослик ўқув юртларига хорижлик талабалар камроқ қабул қилинади. Коллежни тугатишда талабалар «Law School Admission Test» синовидан ўтадилар. Ушбу тест мутахассисликка тегишли билимни аниқлашга қаратилмаган, балки талабанинг оғзаки нутқ қобилияти ва мулоҳаза юритиш кучини кўрсатиб бериш учун тузилган умумтаълим тестидир.

Кўпчилик америкалик талабалар ҳуқуқшунослик ўқув юртларига ариза бериш билан бирга «law School Date Assembly Service» хизматига мурожаат қиладилар. Бу ташкилот талабалардан тест синовлари олиш ҳамда натижаларини аниқлаш ваколатига эга. Хорижлик талабалар LSDAS хизматидан фойдаланиш учун ўқув юртининг деканига ариза беришлари ва тегишли ҳужжатларни олишлари мумкин.

АСПИРАНТУРА БОСҚИЧИ

«JD» даражаси олингач, таълимни аспирантура босқичида давом эттириш ва LLM, MCL, ISD унвонларига эга бўлиш мумкин. «MCL» магистрлик даражаси аспирантурада бир йиллик гражданлик ҳуқуқи курси тугаллангач берилади. «ISD» эса докторлик унвони ҳисобланиб, уларни одатда ўқув юртидаги ҳуқуқшунослик докторантуралари ўз аспирантураларини тугатган ҳамда «LLM» даражасига эга бўлган номзодларга берадилар.

Бир неча йиллик тажрибалардан кейин аспирантлар ҳуқуқий малака орттирадилар. Баъзи ҳуқуқшунослик ўқув юртлари ҳуқуқшунослик даражасига эга бўлмаганларнинг аризасини қабул қилмайдилар. Бошқа бир ўқув юртлари эса ҳуқуқий унвонга аҳамият бермайдилар, бу ҳолда ариза берувчи ана шу соҳада малака орттирган бўлса етарли. Америка ҳуқуқшунослик ўқув юртлари чет эллик аспирантларга баъзи ҳоллардагина моддий ёрдам бериши мумкин.

Интернет асосида Ойбек тайёрлади.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МУАЛЛИМ РЕКОРДИ

Ниҳоят швециялик муаллим Эрик Ройтерсводнинг орзуси амалга ошди — у Гиннеснинг рекордлар китобига ер юзи бўйлаб пиёда саёҳат қилган ўқитувчиларнинг биринчилари сифатида киритилди. География ўқитувчиси Э.Ройтерсвод 1991 йили Мурманскдан пиёда йўлга чиқиб, Болтиқбўйини кезиб чиқди ва бир йил ёзда дам олди. Янаги йил Даниядан тортиб то Испаниягача саёҳат қилгач, ўтган йили кузда Осиё ҳамда Европа чегараси шу ерда, деган ишонч билан ўз саёҳатини Сочида якунлади. Орзусининг юзага чиқишини муаллим салкам беш йил давомида сабр—тоқат билан кутди, ва ниҳоят...

ЯХШИ АТВОР — ЯХШИ...

Аҳоли ўртасидаги ўзаро ишонч ва оқибатлилик, чиройли муомала маданияти мамлакатдаги иқтисодий ўсишни мустаҳкамлар экан. Америкалик олимларнинг жаҳоннинг тараққий этган 29 давлатида ўтказган изланишлари ана шуларни кўрсатди. Даниялик психолог олим Йорк Беман доимий иш жойи бўлган ва сурункали касаллик билан оғримаган 400 кишининг соғлигини муттасил ўрганиб чиққач, асабийлик ва кексчилик одам иммунитетига салбий таъсир этиб вирусли касалликларга мойилликни оширади, деган хулоса келди.

Fanimiz fidoyilari

КАМОЛОТ

Ҳақиқий олимлар ўз муҳитларида эҳтиром ва иззатга сазовордирлар. Уларнинг асарлари мухлислари, шогирдлари қўлида мўътабар, амалий ишларида ҳамкор. Чин олим ўз меҳнати самарасини кўришдан, илмий ишларининг мутахассислари томонидан тан олинишидан бахтиёр.

Филология фанлари номзоди Қобилжон Тоҳиров ҳам ана шундай камтарин ва хокисор олимлар сирасидан. Ўзбек ва туркман адабиётига оид бир неча рисолалар, юздан ортиқ мақолалар муаллифи бўлган бу таниқли адабиётшунос 30 йилдан бери Самарқанд давлат дорилфунуни ўзбек филологияси факультетининг ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида меҳнат қилиб келади. Қ. Тоҳиров талабалик йилларидаёқ ўз иқтидори билан устозлар эътиборини қозонган эди. Айниқса, иккинчи курсда ўқиб юрган кезларида талабалар илмий анжумани совринига сазовор бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги илк маърузаси тингловчиларнинг, хусусан, академик Воҳид Абдуллаевнинг олқишига мушарраф бўлган эди. Шу-шу академик унинг кейинги ишларига диққат қиладиган ва янги изланишларга даъват этадиган бўлиб қолди.

1960 йили дорилфунунни аъло баҳолар билан тугатган Қобилжон узоқ Нурота туманига йўлланма олди. У ерда бир муддат ўқитувчилик касбида ишлагач, Самарқанд давлат дорилфунуни аспирантурасига таклиф этилади. Шу даврдан эътиборан, у В. Абдуллаев раҳбарлиги остида «Туркман шоири Андалиб ва ўзбек адабиёти» мавзуида тадқиқот олиб боришга киришади ва 1965 йили уни тугатиб, номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилади. Ёш олимнинг илк тадқиқотида XVIII асрнинг машҳур шоири Нурмуҳаммад Андалибнинг лирикаси ҳамда «Юсуф ва Зулайҳо» достони таҳлил этилди. Шоир ижодининг ҳар икки халқ адабиётининг кейинги даврдаги тараққиётига кўрсатган таъсири кенг илмий хулосалар воситасида ёритиб берилди. Иқтидорли ёш олимни ўзи таълим олган ўзбек адабиёти тарихи кафедраси жамоаси қучоқ очиб кутиб олди. Чорак асрдан ошибдики, Қобилжон Тоҳиров педагогик фаолият билан бир қаторда ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари бўйича муҳим тадқиқотлар устида ишлаб келмоқда. Унинг «Октябрдан аввалги ўзбек ва туркман адабий алоқалари муаммосига доир» монографияси (Тошкент, 1988 й) Марказий Осиё халқлари адабиётидаги ўзаро адабий алоқалар ва ижодий ҳамкорликлар тарихини тадқиқ этишда муҳим янгилик бўлди. Ушбу тадқиқотда олим адабий алоқалар сарчашмаларини антик даврларга, қадимги ўғиз халқлари ёзма ёдгорликлари «Ўғизнома», «Китоби дада Қўрқут» асарларидаги мифологик, афсонавий сюжетларнинг пайдо бўлиш даврига боғлаб асосли равишда оригинал хулосалар ясайди. Ўзбек-туркман халқларининг икки халқ тамаддунида тутган ўрни, шуаросининг бир-бирига устозу шогирд эканлиги, муштарак ифода усуллари ва маҳорат мактаблари тарихи тадқиқотчи томонидан тарихий, илмий, адабий манбалар асосида чуқур таҳлил этиб берилади. Қобилжон Тоҳировнинг матншунос олим сифатидаги меҳнатлари, айниқса, қадрлидир. Синчков тадқиқотчи ўзбек мумтоз адабиётига тааллуқли манбаларнинг бир қанчасини қайта кўриб чиқиб,шуро даврида оммавийлаштирилган нашрлардаги хато ва камчиликларни тузатиб, уларни бор бўйбасти билан халққа манзур этишга эришди. Абдулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» (Самарқанд, 1995), Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (Самарқанд, 1990) каби китоблари шулар жумласидандир, ўзбеклар маънавий ҳаёти тарихида ўзига хос ўринни эгаллаган «Киссаи Иброҳим Адҳам» (Самарқанд-1993) Ҳувайдонинг «Иброҳим Адҳам» достони» (Самарқанд-1993) бўйича олиб борган текстологик тадқиқотларининг натижаси иқтидорли олимнинг масъулиятли ва ғоят талабчан эканлигини яна бир карра исботлади.

Қобилжон Тоҳировнинг мураббийлик фаолияти ҳам ибрат оларли даражада. Унинг дарслари, маърузалари янги-янги манбалар, маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Қобилжон Тоҳиров табиатан камгап ва камтарин инсон. Ун марта гапириб бир гап ола олмайсиз. Уни фақат илмий баҳсга чорлаб, «тилга киргизиш» мумкин. Илмга чанқоқ талабалар унинг характеридан бу жиҳатни яхши «ўрганиб» олишган кўринади. Дарс сўнгтида муаммоли савол ташлаб, домлани «қиздиришади»-да, ҳамкорликда аудиториядан чиқиб йўл-йўлакай унинг жонли суҳбатидан роса мириқишади.

Қобилжон Тоҳировнинг ўз фазилатларини шогирдларига ҳам юқтира олганлиги қувонарлидир. Чунончи, домланинг шогирди Фазлиддин Равшанов қаламига мансуб «Холис ҳаёти ва адабий мероси» (Тошкент, 1996) рисоласининг адабиётшунослар томонидан яхши баҳоланиши устоз меҳнатининг ҳам муносиб баҳосидир. Устоз шогирдлари билан доимо ижодий ҳамкорликда. Буни шогирди Усмон Қобилов билан ҳамкорликда чоп этган «Илоҳий тимсолнинг бадиий талқини» (Самарқанд, 1996) рисоласи мисолида кўрсатиш мумкин. Рисолада ўзбек адабиётшунослигида илк маротаба жиддий тадқиқот марказига тортилган Исо алайҳиссалом образи атрофида баҳс юритилади ва қизиқарли хулосалар келтирилади.

Ҳақиқий инсондан боғ, ҳақиқий олимдан яхши китоб қолади. Бу борада Қобилжон Тоҳиров ҳамкасбларига ибрат бўла олади.

Бугун заҳматкаш мураббий 60 ёшни қарши олмоқда. Аммо у на вужудан ва на зоҳиран бу ёшга кирганга ўхшамайди. Ғайрати ҳам, қуввати ҳам, савлати ҳам қирчиллама. Илоҳо, яна узоқ йиллар шундай бўлсин! Биз ҳамкасблар уни бу қувончли айём билан табрикларкан, унинг улуғвор ва самимий бўлишини истаб қоламиз.

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор.
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори.
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди.

Davlat tilini o'rganamiz

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

ЁКИ БУХОРОЛИК МУАЛЛИМЛАР УСЛУБИЙ ТАЖРИБАСИНИНГ САМАРАСИ

Қуюнчаклик бўлган жамоада, албатта, фидойилик бўлади. Шундай илғор ташаббускор жамоаларни ўзида мужассам этган халқ таълими бошқарувларидан бири Бухородадир. Улар эришган айрим натижаларни Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш комиссиясига юборган «Давлат тилида ўқитиш ва ўргатишнинг янги усул ва талаблари даражасида олиб борилиши хусусида»ги маълумотномалари асосида бевосита кузатдик.

Ушбу мулоҳазаларимни биргина жамоадаги ўқитиш ва ўргатиш жараёни асосида билдирмоқчиман. Шаҳардаги таълим рус тилида олиб бориладиган 1-мактабдаги 35та синфда 910 ўқувчи сабоқ олмоқда. Жамоада «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни бажариш бўйича аниқ режа ва тадбир ишлаб чиқилган. Давлат ўқув режасига асосан ўзбек тилига юқори синфларда 2 соат, бошланғич синфларда 3 соат ажратилган бўлса, мактаб маъмуриятининг ташаббуси билан факультатив машғулотларга ажратилган соатлар ҳисобидан ҳафтасига 6 соат ўзбек тили чуқурлаштириб ўқитилмоқда. Мактабнинг расмий иш қоғозлари, муҳр ва тамғалари давлат тилида эканлиги эса янада қувонарли ҳолдир. Мактабда дарснинг ноанъанавий шаклари, янги усул ва воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Натижада ўқитувчи ва ўқувчилар фаоллигини таъминлаш имкониятлари вужудга келяпти. Шу нуқтаи назардан мактабда фаолият кўрсатаётган ўзбек тили ўқитувчиларининг иш тажрибалари ҳам диққатга сазовор.

Ўзбек тили ўқитувчиси Амина Авазова 3-синфдаги дарс жараёнида ноанъанавий «сўҳбат», «хотира», «саёҳат», «таваллуд», «мусобақа» каби 20 дан зиёд усуллардан фойдаланяпти. Масалан: муаллим халтачага солинган кичкина ўйинчоқларни ўқувчиларга тутқазади. Ўқувчилар ўйинчоқни олиши билан ўзбекча номини айтиши ва шу ном асосида содда гап тузишлари керак. Бу усул эса болажонлар учун жуда қизиқарли бўлса, иккинчидан, тил ўрганиш жараёнини тезлаштиради. Шунингдек, А.Авазованинг изланувчан ўқитувчи сифатида амалдаги дастурга ёндош, 3-7—синфлар учун мўлжалланган муаллифлик дастури асосидаги машғулотлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Жумладан, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини русийзабон ўқувчиларнинг бийрон, ёқимли талаффузда баён этишларини тинглаб ҳузур қилмай илożингиз йўқ. Гап шундаки, деярли маҳаллий тилдаги мактабларда ҳам кузатилмаган нутқ устириш усули кўпчиликка маъқул бўлаётир. Яъни, Амина Авазова дарс жараёнида доира жўрлигида ўзбек халқ қўшиқларидан намуналар айтдирар экан, ўзга миллат ўқувчиларининг миллий либосларимизда ўйнаб қўшиқ айтишларини кўриб кўзингиз қувонади. Бу усул нафақат тил ўрганиш, балки дилларни ҳам кашф этишдир.

Ҳа! Масъулиятни ҳис этган жамоада сусткашлик бўлмайди. Чунки, ўз ишини яхши биладиган ижоддор ва янгиликка интилувчан жамоа хизматлари ҳисобга олинса, уларнинг ғайратига ғайрат қўшилаверади.

Хуллас, намуна бўлса арзийдиган жамоада фаолият кўрсатаётган Амина Авазованинг иш тажрибасини кузатар экансиз, беихтиёр муаллиманинг изланиш ва ижодий жараёнига таҳсинлар айтади киши. Бугун мустақил давлатимизнинг биз ҳикоя қилган жонкуяр, талабчан ўқитувчи—мураббийларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда шу каби инсонларнинг ўқитиш — ўргатиш тажрибаларини таҳлилий пухта ўрганиб оммалаштириш зарур. Зеро, қаерга ва нимага эътибор қаратилар экан,шу соҳа ёки нарса ривожланиши, камол топиши табиийдир.

Холмуҳаммад КАРИМОВ.

ЯНГИЛИК — УМИД ДЕМАК

(Боши 1-бетда).

лаш доирасига мос равишда қайта ишлаб чиққанмиз. Болаларга оила, боғча, мактаб ҳаётида учрайдиган воқеалар асосида иқтисодий тушунча берилади. Масалан, боғчадаги ўйинчоқ ҳамма болаларга етмайди. Лекин барча болалар ўйинчоқ ўйнашни хоҳлайди. Бор нарсаларни ресурс деб тушунтираман. Ресурсдан ҳамма максимал фойдаланиши лозим. Ресурс чегараланган, талаб ёки эҳтиёж чегараланмаган. Ана шу чегараланмаган талаб ёки эҳтиёжни чегараланган ресурс билан қондириш керак. Шундай масалаларни иқтисод фанини билганлар еча олади. Бошқа бир мисол: машина минишни ҳамма ҳоҳлайди, лекин ҳаммада ҳам машина йўқ. Имконият чегараланган, эҳтиёж чегараланмаган. Имкониятни эҳтиёж билан мувофиқлаштириш лозим. Болаларга иқтисод соҳасидаги илк тушунча қуйидагича тушунтирилади. Масалан, манзилга етиш учун пиёда, трамвай, троллейбус, автобус ва таксидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга манзилга етишнинг кўп вариантларидан оптимал томонини танлаш масала тарзида берилади. Улар қизиқиб бундай масаланинг турли ечимларини топадилар ва ҳар ким ўз вариантини ёқлаб баҳслашади. Баҳслар билимларга айланиб эсда қолади.

— Қайси фанлардан чуқур билим берилаётир ва қайси дастурлар асосида?

— Илм масканимизда тўртта фандан чуқур таълим бермоқдамиз. Ўқувчилар ҳафтасига тўрт соат иқтисод, тўрт соат математика, беш соат инглиз тили, тўрт соат рус тилидан сабоқ олаётирлар. Республикада ягона иқтисодга йўналтирилган гимназия бўлгани учун фанларни интеграциялашга алоҳида эътибор берилган. Иқтисод—математика; иқтисод — ижодий фаолият (меҳнат); иқтисод — она тили; иқтисод — чет тиллар; мусиқа, ритмика, пластика, оврупоча ҳамда миллий этикет — ҳаммаси қўшилиб интеграциялашган фан — «Маънавият сабоқлари»; иқтисод — табиат фанлари махсус дастур асосида олиб борилмоқда. Масалан, «Маънавият сабоқлари»да иқтисодий маданиятлилик даражасини оширишга қаратилган дастур асосида дарс ўтилади. Кимнингдир инглиз тилига, кимнингдир математикага мойиллиги кучли — шулар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчилардан ҳар бир бола характери ва имкониятига мос, индивидуал вариант дастур тузиш талаб этилади. Иқтисодий билимни ҳар соҳада ишлатиш мумкин. Мусиқачи ҳам, рассом ҳам товар муносабатларини билиши керак. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни деярли мураккаб бўлмасада, ўзини реклама қилиши натижасида «Кока—кола» фирмаси маркетинг йўли билан дунёни эгаллаган.

Ўқув масканида тажрибадан ўтказилган дастурлар чоп этиляпти. «Ўзбекистон Республикаси мактабларида иқтисодий таълим дастури», «Иқтисод алифбоси», бошланғич синфлар ўқитувчилари учун методик қўлланма, юқори синф ўқувчи ва ўқитувчилари учун «Иқтисод сабоқлари» («Маърифат» газетаси) ана шулар жумласидандир. Ўқитувчиларимиздан беш нафари фан номзоди, уч нафари аспирант. Муассаса тажриба майдони бўлгани учун дарсларни ташкил этишда кўпроқ ишбилармонлик ўйинлари орқали билим олиш қийинчиликларини енгишга ҳаракат қиламиз. Имкон қадар ўқувчилар ўз қўллари билан ишлаган маҳсулотлари савдолари, аукцион кўргазмалари ташкил этилади. Ишлаб чиқаришни иқтисодий маҳсулотларнинг модели сифатида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

—Билим масканида таълим олаётган ўғил—қизларнинг бошқа мактаб ўқувчиларидан фарқи нимада?

— Илмгоҳнинг ўзга масканлардан фарқи 1-синфданоқ уларга ҳар бир фан бўйича алоҳида ўқитувчилар ўз ихтисослари бўйича чуқур ва кенг билим беришидир. Билим даражалари эса рейтинг усулида аниқланади. Рейтинг дафтарида илм толибларининг шахсий ишлари, ижодий фаолиятлари кўрсатиб борилади.

«Иқтисодчи фан ва техника тараққиёти томон фақат олға қараши керак». Ана шу шиорга амал қилиб иш эса математикага ихтисослашган мактаб ўқувчиларининг шаҳар олимпиадасида ҳам фаол қатнашиб, совринли ўринни олишга муваффақ бўлди.

— Келажак режаларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Иқтисодий билим, аввало, иқтисодий муносабатнинг ичида бўлиши керак. Яъни аввал амалиёт, кейин назария бўлиши лозим. Ўқув комплексида таълим узлуксиз — боғча ёшидан бошлаб то ўрта мактабни битиргунга қадар бўлса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Биздаги ўқиш ҳам ўқувчи мактабни битиргунча давом этишини режалаштирганмиз. Шунингдек, олимпиадаларда қатнашиш, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш, бевосита ўқувчи ва ўқитувчи бирга товар ишлаб чиқариши, ҳар бир синф ўқувчи номига ҳисоб рақами очилишини ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Яхши ният ёрти мол, дейди доно халқимиз. Қани энди билим масканимизга ҳам янги бино, мукаммал ўқув жиҳозлари яратиб берилса. Ундай ҳолда биз республика вилоятларидан ўқувчилар қабул қилиб, намунали иқтисодий билим маскани даражасида иш олиб борар, иқтисодий таълим-тарбиянинг илғор усулларини ишлаб чиқиб, барча мактабларга тарқатардик.

Моддий-техника базамизни мустаҳкамлаш борасида бирон-бир ташкилот озми-кўпми ёрдам қўлини чўзса, нур устига аъло нур бўлур эди. Ахир, болалар бизнинг эртанги ворисларимиз-ку.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бугунги кунда кун тартибига қўйилди. Тўққиз йиллик мажбурий ва яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий қилинаркан, бизнинг масканимиз сингари таълим муассалардаги тажрибалар, шубҳасиз, мавжуд таълим мазмунини янгилашда аҳамият касб этади. Шунинг учун «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини тузиш» комиссияси янги муҳим ҳужжатни ҳозирлашда аниқ мақсадга йўналган илғор тажрибаларни — иқтисослашган янги типдаги билим масканлари ишини инобатга олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бир сўз билан айтганда, таълим тизими ислоҳотидан умидимиз катта!

—Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

КАРМАНАДА ШУНДАЙ ЛИЦЕЙ БОР

1933 йилда Самарқандга кўчирилган зооветеринария техникуми ўрнида иш бошлаган Кармана шаҳар 1-ҳунар-техника билим юрти ўша даврда воҳа аҳолиси учун бугунгидан ўн чандон ортиқроқ зарур эди. Зарафшон воҳаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш лозим эди. Бу борада билим юрти маълум даражада ўз олдидаги мақсадларини амалга оширди.

Орадан роппа-роса 62 йил ўтгач, истиқлол даврига келиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июль қарорига асосан билим юрти Кармана шаҳар ҳунар лицейига айлантирилди.

Ўтган давр мобайнида лицей ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бир-биридан янги фанлар ва соҳалар бўйича иш бошланди.

— Лицейимизда асосан ёшларнинг иқтисодий билимини ўстиришга катта эътибор қаратилган, — дейди лицей директори Фурқат ака Йўлдошев. — Кичик бизнес ҳисобчиси, менежер, тадбиркор-тикувчи ва шу каби бир қанча соҳалар бўйича бозор иқтисоди асослари, тадбиркорлик каби фанлардан иқтидорли ўқитувчилар таълим бермоқдалар. Ўқув хоналаримиз замонавий компьютерлар билан жиҳозланган, барча шарт-шароитлар яратилган.

Дастлабки йилда 450 нафар йигит-қиз 18 соҳа йўналиши бўйича лицейни тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган. Бу ўқув йилида эса ушбу кўрсаткич 700 нафарга етмоқда.

Бундан ташқари, лицей ўзига ҳар бир касб эгасини иш билан таъминлаш вазифасини ҳам олган. Лицейга ўзаро шартномалар асосида ҳам ўқишга қабул қилинади. Республикамизнинг турли воҳаларида юз очаётган бу каби ўзгаришларнинг саноғи анчага етиб қолди. Бироқ ҳар ернинг ўз муҳити, шароити бўлгани каби, Кармана ҳам Буюк ипак йўлини туташтирган шаҳарлардан биридир. Зеро, бу йўл илҳоми карманалик ўсмирлар дилига ғурур солиб, юртимиз иқтисодини ривожлантиришда ўз улушини қўшишга чорлайди.

Бектемир ПИРНАФАСОВ.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

БОЛА ТАРБИЯСИ — ВИЖДОН ИШИДИР

Шу кунларда Жиззах тумани халқ таълими бўлимидаги ўзгаришлар таҳсинга лойиқ. Бу йил туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Ижодкор ўқитувчи», «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Севимли ўйинчоқлар», «Соғломжон — Полвонжон» каби спорт мусобақалари ва турли кўрик — танловлар ўтказилди.

Яқинда тумандаги «Гўзал», «Лола», «Дилноза», «Ғунча» болалар боғчаларида ўтказилган вилоят миқёсидаги амалий кенгаш эса «Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш» мавзуига бағишланди. Кенгаш иштирокчилари тумандаги «Гўзал» болалар боғчасида болаларга яратилган шароит: замонавий услубдаги мусиқа зали, компьютер хонаси, майдончалар, чўмилиш ҳавзаларининг соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга тайёр эканлигини кўрдилар. «Ғунча» болалар боғчасида тарбиячи Мавлуда Маҳкамова томонидан кўрсатилган ўйин — машғулот кенгаш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Кенгаш иштирокчилари «Лола» болалар боғчасига туман ҳокимлиги томонидан беш гектар ер майдони ажратилиб, у ерда турли хил сабзавотлар етиштирилиши ва келгусида мазкур ёрдамчи хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари белгиланганининг гувоҳи бўлдилар.

Амалий кенгашда Республика таълим маркази мактабгача тарбия бўлими мудири Замира Абдураҳимова, вилоят, туман, шаҳар мактабгача тарбия ходимлари иштирок этдилар.

Карима ЭГАМҚУЛОВА.

«МАЪНАВИЯТ... НИМА ЎЗИ?»

Bahs

«Маънавият, маънавият, деймиз, маънавият нима ўзи?» деб сўраб қолди мендан сабоқ олаётган толибалардан бири.

Саволнинг кутилмаганда кескинлиги, баланд овоздалиги, бироз.. беадабоналиги дилимни оғритса-да, аввал саволкаш шогирдимга, шу асно қолган шогирдларимга ҳам бирров тикилдим.

Ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай саволдан (ахир, мен сўзимни ҳали тугалламаган эдим, бунинг устига сўзим бемаврид, беруҳсат бўлинаётган эди) бироз ўнғайсизландим. Ахир, бироз, бирозгина шошмай турса эди., шу саволга жавоб берар эдим...

Ахир, сўзловчининг сўзи, фикри интиҳосига етмай туриб сухбатдошинг (Бу ўринда-ку устоз!) гапини бўлишнинг ўзи маънавиятсизлик... беадаблик эканини бу шогирдимга қандай айтай?

Ўзи шундоғам жимжит аудиторияда пашша учса эшитгулик жимлик чўкди. Улкан сукутгоҳга айланган аудиторияда мен ҳам бироз сукут сақладимда, саволга савол билан жавоб беришга қарор қилдим.

—Мен, синглим сизга, ҳурматли талабалар сизларга бир воқеани айтиб берсам. Ўтган куни менга мутлақо нотаниш, (ўша кунни унинг исминигина билган эдим) бир қизгина билан овқатланишга тўғри келиб қолди.

Сиз ишонасизми йўқми, билмадим, қизчанинг қийналишини кўриб мен ҳам жуда қийналиб кетдим. У таом иссиғиданми, кун исиғиданми, ҳадеб терлаётган юз-кўзларини ботбот артар ва бот-бот... бўяр эди.

Айниқса, сатанггина қизнинг шўрвани ичиб бўлмай туриб, иссиқ шўрва буғи эритаётган лаб бўёғи ўрнига янги бўёқ суравершими.. ғашимга тегди. Ҳеч ким кўрмаяптими, ишқилиб, деб атрофга қарасам, қўшни, ҳатто, нарироқдаги столда овқатланаётганлар ҳам бироз ғашланиб қараб қўйишаётган экан. Ростини айтай, шундай қиз билан бирга овқатланаётганимдан илк дафъа уялиб кетдим.

Аллақачон «овқатланиб бўлган» (шу пайтда томоқдан луқма ўтармиди?) мен шеригим аҳволига ачинмоқда эдим. Уни кузатиш тобора ноўнғай бўла бошлади. Ниҳоят, шеригим қийналиши (овқатланиши) поёнига етганини пайқадим. Ҳар тугул...

— Синглим шунчалик бўяниш шартми? Ўзи шундоғам гўзал экансиз. Бўёқлар гўзалликни бузиб қўядими, дейманда. Кейин... ҳар овқатланишда шундай қийналсангиз...

—Керак! — деди у ва бу борада бошқа гаплашмаслигини гап оҳангидан маълум қилди. Ва кутилмаганда, жилла бўлмаса, мен мутлақо кутмаганда... таъкидлаб қолди: — Қиз боланинг бўянишини тўғри тушуниш керак! Қиз бола-бу...Фақат маънавияти йўқларгина буни тушунмайди ёки тушунишни истамайди!! Маънавият — нима ўзи? Биласизми?...

Хуллас, янги таниш билан қадрдонлигимиз узоққа чўзилмади. Биз бошқа-бошқа одамлар эканимизни, маънавият ҳақидаги тушунчаларимиз бошқа-бошқа эканини тушуниб қолдик...

Азиз сингилжон, азиз талабалар! Воқеани эшитдинглар. Энди холис айтинглар, шу воқеа иккала томон ҳам маънавий етук бўлганда қандай кечарди?

Синглимизнинг саволини такрорлайман:

— МАЪНАВИЯТ... НИМА ЎЗИ?

Гулноза РАЖАБОВА, ТошДАУ «Тиллар» кафедраси ўқитувчиси.

ЎЗ УЙИНГ — ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Муаллим ҳар жабҳада намуна — андоза ҳисобланади. Халқимизда «Онасига қараб қизини ол...» деган нақл бор. Биз эса буни бошқачароқ талқин қилдик. «Устозга қараб шогирдига баҳо бер». Хўш, буни қандай тушуниш мумкин, дерсиз. Жуда оддий. Бундай хулосага келишимизга яқинда Наманган шаҳрида ўтган вилоят халқ таълими ходимларининг спартакиадаси асос бўлди. Чиндан ҳам муаллимнинг бу каби синовлардаги иштироки унинг маҳоратидан дарақдир. Маҳоратлилар эса шубҳасиз шунга яраша сабоқ ҳам беришади. Ана шунга айтдик-да, «устозга қараб баҳо бер», деса ҳам буларкан деб.

Қисқаси, тўрт спорт тури бўйича финалга йўлланма олган жамоалар 4 кун қизғин мусобақалашишди. Яна бир нарса. Бу жамоалар финалгача минтақавий баҳсда ҳам қатнашиб, ғолиб чиқишганди. Ушбу минтақавий саралаш ўйинлари тўрт гуруҳда олиб борилди. Мини футбол, волейбол, теннис, шахмат бўйича ўтган бу муаллимлар баҳсида Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан вакиллар иштирок этишди. Муаллимлар деб умум атама билан атадик-қўйдик. Хўш, бу курашларда аёллар иштирок этишмадими? Албатта, бунда аёлларнинг ўрнини эркакларникидан кам кўрмадик. Фақат мини футбол ўйини эркакларга хос эканлиги аёлларга тўсиқ бўлди. Қолган барча турларда улар тенгматенг кураш олиб бордилар. Ушбу спартакиадани тақкил этишда республика Халқ таълими вазирлиги ва республика Касаба уюшмалари қўмитасининг хизматларини алоҳида айтиб ўтсак ёмон бўлмасди. Ахир, ҳар бир иштирокчини турли совғаю дипломлар билан тақдирлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди-да. Айтмоқчи, қатнашувчилар тўрт кун яшашлари, умуман шароитлари ҳақида нима дея оладилар? Биз бу тўғрида спартакиадасининг сирдарёлик иштирокчиси, Х. Тўраевдан сураганимизда қуйидагича жавоб олдик: «Бизга ҳамма қулайликлар яратиб берилди. Ётоқхона ҳам, овқатлар ҳам мақтаса арзийди. Барча қатнашчилар бундан миннатдор бўлдик».

Энди якуний натижалар хусусида тухталиб ўтсак. Барча турлар бўйича Наманган вилояти вакиллари биринчиликни беришмади. Шунга айтишарканда «Уз уйинг, улан тўшагинг» деб. Бундан ташқари хоразмлик иштирокчилар ҳам юқори натижаларга эришишди. Хўш, ғолиблар ва ғолиблик ҳақида спартакиада бош ҳаками Р. Саломов қандай фикрда? «Мен ушбу спартакиада ғолибларининг яхши тайёрланганликларини кузатдим. Бу курашни шунчаки ким ўзди кураши деб тушунмаслик керак. Спартакиадада муаллимларнинг ўз фанига қизиқишларини, касбларига меҳрларини ошириш томонларини ҳам ўйлайлик».

Х. АБДУРАҲМОН.

НУРЛИ «ОҚШОМ»ЛАР

(Боши 1-бетда).

затаяпмиз. Агар баландпарвозликка йўймасангиз, бугун менинг қалбим 78 булакка ажралгандек. На чора... Биз вақтнинг қулидаги жонлармиз. Мен барча битирувчиларимга кўнглимдаги бор эзгу-тилакларимни ҳадя этиб қоламан.

Дилшод Расулов, Республика Нафис санъат лицейи битирувчиси:

— Аввало ҳамма устозларимга раҳмат! Ҳозир барча дўстларим лицейимиз қучоғидан чиқиб кетиш нақадар оғирлиги ҳақида гапираяптию шу сонияларда мени бундан-да оғирроқ яна бир юк босиб турибди. Устозларимнинг шунча берган таълим-тарбиясини энди оқлай оларканманми?

Зуҳра Эргашева — 1-сон клиника шифохонаси врачи:

— Биз ҳам бир вақтлар битирув оқшомларини нишонлаганмиз. Лекин бугунги, мана мен ҳозир шоҳиди бўлиб турган битирув оқшомларига қараб ҳавасим келади. Бу хил кечаларга бошқош бўлиб, керак бўлса шароит яратиб бераётган Халқ таълими мутасаддиларига мингдан-минг раҳмат.

Бу йил ўғлим мактабни тамомлаяпти. Насиб бўлса олий ўқув юртига кирмоқчи. Мен бу йўлда ўғлимга ва ўғлимга ўхшаганларга омадлар тилайман.

Нодира Эшмирзаева — Республика Нафис санъат лицейи битирувчиси:

— Мен ўн бир йил ўтиб кетганига сира ишонгим келмайди. Назаримда ўн бир йил эмас, атиги ўн бир кунгина устозларим бағрида бўлгандекман. Лекин на илож. Барча ўқитувчиларимнинг берган сабоғини оқлашга ҳаракат қиламан.

Нилуфар Ҳакимова — 104-мактаб битирувчиси:

— Бир шоир айтади: «Яхшиям хаёл бор, ёлғиз овунчоқ». Бугун мактабни тамомлаб бир нарсамни йўқотиб қўйгандекману аммо талаба бўлиш хаёли мени овутяпти. Худо хоҳласа, Маннон Уйғур номидаги Санъат институтига ўқишга кирмоқчиман.

Йиллар йилдирим, кунлар тезоб, умр эса елдек елаяпти. Тўрамиздаги қувончу ғам, шодлиғу қайғулар дояси вақт, ҳеч ҳам қўним билмайди. Мана у яна бир авлодни опичлаб мустақил ҳаёт саҳнасига олиб чиқди. Энди уларнинг ҳар бири бундан кейин нигоҳларидан меҳр томиб турган устозларининг эмас, балки қаттиққўл ҳаёт имтиҳонларидан ўтадилар. Бу синовларда уларни зафарлар қучсин!

Дарҳақиқат, битирув оқшомларидаги барча ҳолатларни тўла-тўкис қоғозга туширмадик. Сабаби у даврлардаги ўзига хос манзараларни чизаверсак... газетамизнинг саҳифалари саноқли азизлар!

Алишер НАЗАР, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

ЯХШИЛИКНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Инсон болалиги қушларнинг палапонлик даврига ўхшаб кетади. Бироқ қанот чиқарган қушлар олисолисларга учиб кетадилар, одам боласи эса хаёл ва тафаккур кенгликларидан нарига ўтолмайди.

Акжан асли Конимехда туғилиб ўсган. Болалигининг беғубор, энг ширин дамлари шу гўзал ва сўлим гўшада кечган. У кўпинча чексиз само кенгликларига тикилганча ўй сурарди. Сеҳрли олам, феруза осмонга ҳайрат ва ҳавас хаёлларини қамраб оларди.

Ҳаётда ҳар бир мақсад, уқув-идрок, қунт, ирода ва машаққат туфайли амалга ошиши барчамизга яхши маълум. Инсон боласи бамисоли йўнилмаган тош. Фақатгина кураш, интилишгина уни маълум бир шаклга солиши, улғайтириши айни ҳақиқатдир. Акжан чидам ва сабот билан ўқиб ўқитувчилик касбининг барча сир-синоатларини яхши ўрганиб олди.

Ёшлик инсон умрининг гултожи дейишади. Бу даврда киши қалби энг юксак чўққиларни кўзлайди, орзусига эришгунча тиниб-тинчимайди. У 1957 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тамомлагач, Ҳамза туманидаги 124-ўрта мактабда 40 йил давомида ўқувчи ёшларга рус тили фанидан сабоқ берди. У бу даврда жаҳон педагогикасининг илғор тажрибаларини янада пухта ўзлаштириб, илғор ўқитувчи даражасига етди. Янгиликларга, дарсларни ижодий қуришга бутун диққат-эътиборини қаратди. У тез орада шаҳар рус тили фани ўқитувчиларининг назарига тушди.

Опанинг энг яхши фазилатларидан бири дарс жараёнида ўқувчилар билан эркин баҳслаша оларди. Шу боисдан бўлса керак, унинг ҳар бир дарси қизиқарли ва эсда қоларли бўларди. Олий ўқув юртини яқинда тугатиб келган ёш муаллимларга эса доимо зарур маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатарди. Қаҳрамонимиз узоқ йиллар «Рус тили дарсларида ўқувтарбия жараёнини оптималлаштириш» муаммоси устида иш олиб борди.

Умр оқар дарё. Мана кўз очиб-юмгунча 58 йил ўтди кетди. Муаллиманинг жуда кўплаб шогирдлари бу орада вояга етиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Унинг самарали меҳнатлари ўз вақтида ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Опанинг кўксини «Меҳнат фахрийси» унвони безаб турибди. Ҳамза тумани халқ таълими бўлими эса муаллимага мукофот тариқасида «Москвич-412» енгил машинасини тортиқ қилишган.

Акжан Тинонаванинг оилада меҳрибон она сифатида ҳам қадри ва ҳурмати сарбаланд. Турмуш ўртоғи Тасмаганбет билан беш нафар фарзандни камолга етказди.

Биз ҳам ўз навбатида 40 йиллик умрини ёшлар тарбияси ва уларни билим чашмаларидан баҳраманд эта олган фахрий муаллимага сиҳат-саломатлик, боқий умр тилаб қоламиз.

Улуғбек АКТАМ ўғли.

САМАРҚАНДА ТАЪЛИМ

Bizning suhbat

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ТАЯНЧИ

Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиевнинг мухбиримиз саволларига жавоблари

— Амалдаги йил Республикамиз Президенти томонидан «Инсон манфаатлари йили», деб эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда, жумладан, Сиз раҳбар бўлган вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигидан хабардормиз. Бу йил Самарқанд халқ таълимини тубдан ривожлантириш биринчи вазифалар қаторида қўйилибди. Албатта, бу тасодифий бўлмаса керак?

— Ҳа тўғри, тасодифий эмас. Маълумки, муҳтарам Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг 1995 йил 21 ноябрда бўлган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоятимиз ижтимоий ҳаётининг бир қатор жабҳалари, жумладан, соғлиқни сақлаш, халқ таълимидаги аҳвол жиддий танқид қилинган ва ушбу соҳаларда кескин ўзгариш ясаш вазифаси қўйилган эди.

Ана шу вазифа ижросидан келиб чиқиб, вилоятда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг мукаммал дастури тайёрланди. Биз ушбу дастур асосида ўтган 1996 йилда соғлиқни сақлаш тизимида туб бурилишга эришиш вазифасини қўйгандик ва бу борада бирмунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Шу билан бир қаторда халқ таълимида ҳам кенг кўламли тадбирлар бажарилди. Лекин бу йил якунларини таҳлил этиш жараёнида ушбу муҳим соҳани кескин ривожлантириш учун янги йилда махсус дастур асосида ишлаш ва янада юксакрок натижаларга эришиш лозим деган қарорга келдик.

Шу маънода 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши бизга, айниқса, қўл келди. Режадаги ишларимизни ушбу йил дастурлари асосида янада пухталаштириб, миқёсларини кенгроқ, мўлжалларини баландроқ қилиб белгилаб олдик.

Республикамиз Олий Мажлисининг яқинда бўлган сессиясида, шунингдек, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида Президентимиз Ўзбекистонда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурдилар. Демак, мамлакатимизда бу борада янада кенг миқёсли ва мазмунан чуқур ўзгаришлар юз бериши мўлжалланмоқда.

Чиндан ҳам давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда халқ таълими тизимини тамоман янгича изга солиш даври келди. Зеро, бу мустақил давлатимизнинг ҳур ва янгича фикрловчи баркамол авлодини тарбиялашга мустаҳкам, асосли замин яратади. Ўз навбатида бу авлод миллий давлатимиз равнақида ҳал қилувчи рол ўйнаши шубҳасиздир. Шу боисдан ҳам бу масала юртбошимиз томонидан ўз вақтида ўртага ташланганини яна бир карра эътироф этишни истардим.

Ўйлайманки, биз ана шу йўналишдаги ишларимизни давлатимиз раҳбари қўйган вазифалар асосида янада мукаммаллаштирамиз.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Самарқанд азал-азалдан маърифат бешиги сифатида дунёда донг таратган. Истиқлол бизга қадимий масканимизнинг ана шу жаҳоний обрўсини тиклаш имконини берди. Республикамиз раҳбарияти ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бинобарин, бу имкондан фойдаланмаслик бугунги ва келажак авлод олдида кечирилмас гуноҳ бўлур эди.

— Самарқанд маърифатининг тарихий илдизлари ҳақида сўз очганингиз айни муддао бўлди. Бугунги авлод учун ота-боболаримизнинг маънавий-маърифий юксаклиги бебаҳо ибратдир...

— Дарҳақиқат, шундай, Республикамиз Президенти халқ таълими ходимларига мурожаат этиб, шундай деган эдилар: «Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчини адо этган бўласиз».

Албатта, бир пайтлар, яъни сизу бизга «Октябрь инқилобига қадар Ўрта Осиё аҳолисининг атиги икки фоизи саводхон эди» деган ғирт уйдирмани ўргатиб келган йилларда кўпчилик ўлкамизда, жумладан, Самарқандда ўрта асрлардаёқ юзлаб-минглаб мадрасалар бўлганини билмас ёки билса ҳам билмасликка олишарди.

Улардан айримларини тилга оладиган бўлсак, айтайлик, маълум ва машҳур Мирзо Улуғбек мадрасаси, Тиллакори, Шердор, Шайбонийхон, Хўжа Аҳрор, Нодир Девонбеги, Саид Аҳмадхон мадрасалари бутун шарқда машҳур бўлган. Ахир Европадаги барча буюк алломалар Мирзо Улуғбек академиясининг обрў-иззатини, икки қаватли ушбу кўркам масканда буюк маърифатпарвар, файласуф Қозизода Румий мударрислик қилганини, мавлоно Муин Коший, Салоҳиддин Мусо, Али Қушчи сингари алломалар дарс берганини ҳамда «Зичи Кўрагоний» айнан шу ерда олиб борилгани ва тўрт қаватли муҳташам расадхона татбиқан текширилган тадқиқотлар натижаси бўлгани ёки имом Бухорий исломий илм бобида дунёга довруғ таратганини, Маҳдуми Аъзам, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғилоний Самарқандда туриб шариат ва тариқат рукнларини, мусулмон ҳуқуқларининг асосларини яратганини инкор этиш мумкинми? Бу тарихий ҳақиқат-ку!

Лоақал биргина мисол: буюк фақиҳ олим Бурҳониддин Марғилоний мусулмон ҳуқуқлари асосларига бағишланган «Ҳидоя» асарини Самарқандда 1178 йилда ёзиб тугатган эди ва бу асар мадрасаларнинг барчасида асрлар давомида ўрганиб келинган. Қарангки, ушбу рисола бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бир сўз билан айтганда, ўлкамиз, хусусан, Самарқанд маърифатининг тарихий илдизлари шу қадар теран ва бақувватки, бугун унинг анъаналарини тиклаш бениҳоя катта ҳажмдаги, кенг кўламдаги фидокорона фаолиятни талаб этади. Демак, Самарқандда маърифат масаласига алоҳида улкан йўналиш сифатида қараш, бу хайрли ва муқаддас соҳа билан ҳар куни, ҳар доим шуғулланиш тарих тақозоси, тараққиётимиз заруратидир.

— Демак, вилоятда ушбу соҳада олиб борилаётган ишларнинг мароми, натижалари ҳам шунга яраша десак бўладими?

— Имконият даражасида. Бу ишни аввало вилоятдаги барча умумтаълим ва касб мактабларининг аҳволини синчиклаб ўрганишдан бошладик. Бунга юқори бўғиндаги раҳбарлардан бошлаб, тегишли мутахассислар, тажрибали муаллимлар, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этдик. Мавжуд ҳолни холисона ўрганиб, муаммоларни аниқлаб олгач, катта кенгаш ўтказдик. Рўйи-рост гаплашиб, маслаҳатлашиб олдик. Вазифаларни аниқ, кескин қўйдик. Натижада 51 та авария ҳолатидаги мактабларнинг барчаси тубдан таъмирланди. Шу билан биргаликда ўтган йил мобайнида жами 6934 ўринли 17 та янги мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Мавжуд мактабларда 15 та қўшимча бино қурилиб, ўқувчи ўринлар сони 2310 тага кўпайтирилди. Бу қарийб 10000 ўқувчи ўрни яратилди дегани. Бундан ташқари сал кам 100 та умумтаълим мактаби, 30 та болалар боғчаси, 6 та касб-ҳунар мактаби, 2 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати, 6 та мактабдан ташқари муассасалар жорий таъмирдан чиқарилди. 105 та мактабга табиий газ, 33 тасига ичимлик суви тармоқлари ўтказилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бўйича бу йил жами 9146 ўринга эга таълим даргоҳларини қуриб, ишга тушириш мўлжалланяпти. Бу режа, албатта, бажарилади.

Қисқаси, таълим-тарбиянинг моддий базасини ривожлантириш йўналишидаги ишлар қатъият билан олиб борилади. Аммо бизни масаланинг иккинчи, маънавий томони ҳам жиддий ташвишлантирмоқда.

— Агар тўғри тушунган бўлсак, таълим-тарбиянинг бугунги аҳволи, руҳи, савияси, сифати ҳақида гапирмоқчисиз.

— Худди шундай. Жамиятимиз ҳаётидаги ўзгаришлар биринчи галда мактабда, керак бўлса боғчада, умуман ёш авлод тарбиясида акс атмоғи лозим. Бу борада Республикамиз раҳбарияти томонидан қатор муҳим қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларни изчил ҳаётга тадбиқ этиш маҳаллий ҳокимият идораларидан қунт ва қатъият билан ишлашни талаб қилади. Чунки, очиғини айтганда, ҳали маърифий зиёлиларимизнинг ҳам муайян қисмида янгича кўникмалар ҳосил бўлиб улгурган эмас. Таълим-тарбиянинг эскича услубларидан қутулиш қийин кечмоқда. Бунинг сабаблари ҳам аслида, яқин ўтмишга бориб тақалади. Сир эмаски, ёппасига саводхонлик шиорларининг кўр-кўрона, тадбирсиз қўлланиши, социалистик текисчилик оқибатида ўқитувчининг шаъни, ўқиш-ўқитишнинг қадр-қиммати анчагина пасайиб қолганди. Халқимизда «Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан», деган ибратли мақол бор. Биз ана шу тақчилликнинг олдини олиш, маърифат қадрини ўз ўрнига қўйиш ва янада юксакка кўтариш устида тинимсиз бош қотиришимиз, астойдил жон куйдиришимиз зарур. Бунинг учун мудом изланишимиз, янгиликни дадил қабул қилишимиз лозим.

Ҳозир вилоятимиздаги ҳар бир туманда битта, жами 39 та янги услубдаги таълим даргоҳлари — лицейлар, гимназиялар очилган. Республика Фанлар академияси Самарқанд бўлими билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларга аниқ фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган кичик Академия ҳамда хорижий тилларни ўрганишга йўналтирилган Марказ ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб 300 та мактабда (вилоятда жами 1162 та мактаб бор) таълим табақалаштирилган услубда олиб борилаяпти.

Буларнинг натижасида алоҳида қобилиятга эга бўлган болаларни аниқлаш ва истеъдодини такомиллаштириш имкони вужудга келди. АКСЕЛС, ТАСИС сингари халқаро дастурлар воситасида ўқувчилар орасидан иқтидорлилар танланиб хорижий давлатларга ўқишга юборилди. Мамлакатимизнинг ўзидаги олий ўқув юртларига кираётган ёшларнинг сифат таркиби ҳам кескин яхшиланди.

Аммо биз буларга ҳали дастлабки ижобий қадамлар деб қараяпмиз. Чунки ҳали муаммолар, мураккабликлар кўп.

— Бу муаммо ўқитувчиларнинг савияси, ўз бурчига қандай муносабатда эканлигига ҳам боғлиқ бўлса керак.

— Фақат бугина эмас. Биз масалани янада кенгроқ қўймоқдамиз. Гап умуман халқ таълимига раҳбарлик, уни ташкил қилишни тубдан яхшилаш ҳақида боряпти, десак менимча, тўғрироқ бўлади.

Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси раҳбарияти бутунлай янгиланди. Деярли барча туманларда ушбу тизим раҳбар ва мутахассислари қатъий талабчанлик асосида аттестация қилиниб, қўплаб ёш, иқтидорли, ғайратли раҳбарлар тайинланди. Шу аснода таълимнинг барча бўғинлари кадрлар савияси ўрганилиб, таҳлил этилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шу билан бир қаторда Самарқанд давлат университети, ўқитувчилар малакасини ошириш институти раҳбарлари вакиллари билан жиддий гаплашишга, бошқа айрим олийгоҳларга тегишли тарзда эътироз билдиришга тўғри келди.

Иккинчи томондан, ўқитувчининг юриш-туриши, маънавий қиёфаси ҳам таълим-тарбия сифатида муҳим роль ўйнайди.

Ўз касбини жон-дилдан севувчи, фидойи ўқитувчиларимиз кўп. Улар бугунги вақтинчалик қийинчиликларни ҳам мардона енгишиб, касбларини улуғлашаяпти. Лекин турмуш икир-чикирларини рўкач қилиб, зиммасидаги муқаддас вазифани хўжакўрсинга бажаришга уринувчилар билан асло муроса қилиб бўлмайди. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, халқимиз ўқитувчини мардона эҳтиром билан «устоз» деб атайди. Бир ишни қойил қилган кишига «ўқитган устозингга балли» деб, раҳмат айтади.

— Аслини олганда, бу муаммонинг илдизи ҳам соҳага, унинг кадрларига эътибор ва талабчанликнинг бўшаштириб юборилганига бориб тақалмасмикин?

— Тўғри айтасиз. Вилоят ҳокимлиги иш дастури асосида вилоят хокимлигининг ижтимоий масалаларга бағишланган кўчма мажлисини ўтказишни мунтазам йўлга қўйдик. Мажлисни тайёрлаш жараёнида ушбу тумандаги ҳар бир мактаб, болалар боғчаси, шунингдек, тиббий муассасалар бирма-бир ўрганиб чиқилади. Муаммолар мажлисда батафсил таҳлил этилиб, имкон қадар жойида ҳал қилинади. Айтайлик, яқинда Челак туманида ана шундай таҳлил ўтказганимизда кишини чуқур ўйлашга ундайдиган муаммолар дуч келдик. Хўжаликлардан бирида газ қувури ёнгинасидан ўтган бўлишига қарамасдан мактаб газлашмаган. Шунда мен, «Хўш, хўжалик раҳбарининг уйи газлашганми-йўқми?», деб қизиқдим. Газлашган, албатта. Мактаб эса эътиборсиз қолиб кетган. Умуман, маълум бўлишича айрим мактабларга туман ҳокимлигини-ку қўяверинг, хўжалик раиси йилда бир бор кирмас экан. Булар албатта, онда-сонда учрайдиган фактлар. Аммо мен уларни атайлаб таъкидладим. Ахир, раҳбарнинг бир оёғи, албатта, мактабда бўлмоғи зарур. Негаки, бу ерда келажакнинг пойдевори қўйилаяпти. Болаларимиз билимдон, соғлом, баркамол бўлиб ўсишини ҳар биримиз хоҳлаймиз-ку.

— Шу нуқтаи назардан вилоят халқ таълими тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз маъқул бўлар эди.

— Ғоят муҳим масалани кўтардингиз. Дарвоқе, ҳозиргина вилоят ихтисослашган спорт мактаби волейбол командасини Ливан давлатида бўладиган халқаро мусобақадаги иштироки учун маблағ ажратиш ҳақидаги қарор имзоланди. Ушбу жамоа мамлакат биринчилигида ғолиб чиқиб, ана шу юксак даражали турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айтганча, бултур АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлган Олимпиадада мамлакатимиз терма жамоаси сафида иштирок этган самарқандлик ўқувчи, спорт устаси Виктор Яновский фахрли ўринни қўлга киритди. Самарқанд шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси, 14 ёшли Иброҳим Ҳамроқулов Испанияда бўлган шахмат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, ФИДЕ (Халқаро Шахмат федерацияси) спорт устаси унвонини қўлга киритди. Феруза Жангирова эса Покистонда стол тенниси бўйича ўтган мусобақада олтин медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари, самбо, шарқона кураш усуллари бўйича халқаро мусобақаларда вакилларимиз муваффақиятли қатнашяпти.

Ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаш йўлида тинимсиз иш олиб борилади. Аммо мамлакатимиз раҳбари спорт фақат мусобақа воситаси деб эмас, балки инсон саломатлиги, ёш авлод жисмоний камолотининг асоси сифатидаги ўрни ҳамда ролини мустаҳкам қарор топтириш вазифасини қўймоқда. Шу асосда, биз бу масалага спортнинг оммавийлигини бутун чоралар билан кенгайтириш нуқтаи назаридан ёндошамиз. Ҳозир вилоятдаги барча мактабларда қишлоқлар ва маҳаллаларнинг ҳар бирида спорт мажмуи яратиш ташаббусини ўртага ташладик. Яъни ҳар бир маҳаллада маънавият мажмуи таркибида спорт иншоотлари — футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, теннис корти бўлсин. Токи, маҳалланинг ёшу қариси шу ерда бўш вақтини мазмунли ўтказсин, саломатлигини мустаҳкамлаш учун имконият яратилсин.

Республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоят хокимининг махсус қарори чиқарилиб бу борадаги ишлар мунтазам назорат остига олинди. Намунавий лойиҳалар тайёрлаб берилди. Натижада вилоятдаги барча туманларда бу мақсад учун тегишли ер ажратилиб спорт иншоотлари қуриш авж олди. Шуниси диққатга сазоворки, бу тадбир ҳашар йўли билан, жамоатчиликнинг кенг иштирокида амалга оширилмоқда. Демак, ортиқча харажат талаб қилмаяпти. Ёшларнинг бу ишга катта қизиқиш билан, бажонидил бош қўшганлиги қувончлидир. Эндиликда қишлоқ ёшларининг бўш вақти асосан спорт иншоотларида ўтишига эришишимиз керак. Ана шунда улар орасидан етишиб чиқаётган чемпионлар сафи кенгаяди, жиноятчилик ва бошқа номатлуб ҳоллар камаяди.

Айтганча, бултурдан буён ўтган вақт мобайнида Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Пахтачи, Тайлоқ туманларидаги 6 та мактабда замонавий спорт заллари, шунингдек, ҳар бир туманда очиқ спорт майдонлари қуриб битказилди. Умуман олганда, биз ҳар бир туманда замонавий стадион бўлиши зарур деган талабни қатъий қилиб қўйганмиз. Самарқанд шаҳрининг марказида қурилаётган ўсмирлар футбол стадиони яқинда ишга туширилади. «Афросиёб» марказий стадионини тубдан таъмирлаш ниҳоясига етмоқда.

Бугунги кунда болалар ўртасидаги «Югуриш кунлари», «Умид», «Футбол ғунчалари», «Чарм тўп», «Ёшлик» сингари мусобақаларни уюштириш одат тусига кириб қолган.

Очиғи, ҳозир барча шаҳар ва туман раҳбарлари, кенг жамоатчилик вилоятда спортнинг оммавийлашувига астойдил бел боғлашган. Айни пайтда халқимизнинг азалий миллий ўйинларини тиклаш ва ривожлантириш ҳам диққат марказида турибди.

Бунинг самараси ўлароқ, шу йил бошидан буён ёшларимизнинг 15 нафари «Ўзбекистон спорт устаси» унвони нормативини бажарди. Орзумиз шуки, бундай спорт усталари сафи тинмай кенгайиб борсин. Республикамиз чинакам спорт мамлакатига айлансин. Зеро, спорт тинчлик, элчиси. У бор жойда аҳиллик, соғлик ва баркамоллик устивордир. Ана шу эзгу ниятнинг амалга оширилишида самарқандликлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

Фикримни якунлар эканман, Самарқанд вилояти раҳбарияти, халқ таълими ходимлари, бутун жамоатчилик таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида белни маҳкам боғлаб ишга киришадилар, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

— Фурсатдан фойдаланиб «Маърифат» таҳририяти ижодий жамоаси ва барча муштарийларга соғлик-омонлик ва баркамоллик тилайман.

— Раҳмат.

Ҳалим САЙИД суҳбатлашди.

Maorifimiz fidoyilari

МУАЛЛИМ — ШОИР

Жума шаҳридаги 1-кечки ўрта мактаб ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сабоқ олаётган ёшларни ҳунар ўрганишга, касб маҳоратини шакллантиришга ҳам даъват этиб келмоқда. Бу мактабда ёшларнинг ўз фанларини чуқур билган, юксак билимли ва катта тажрибага эга бўлган Мели Бобоқулов, Лим Виктор, Галия Ибрагимова сингари маҳоратли педагоглар таълим-тарбия беришади. Мактабда, айниқса, она тили ва адабиёти фанига қизиқиш катта. Чунки бунда ана шу фан мутахассиси, олий тоифали муаллим, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Мели Бобоқуловнинг хизмати ниҳоятда каттадир. У дарсларни кўргазмали қуролсиз ўтказмайди. Шу сабаб, унинг иш тажрибаси вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутахассислари томонидан чуқур ўрганилиб, китобча ҳолида 500 нусхада нашр этилди ва вилоят ўқитувчилари орасида оммалаштирилди.

Муаллимнинг таълим-тарбия ҳақидаги икки маърузаси эса Каттақўрғон туманидаги 54-ўрта мактабда, 1991 йил Самарқанддаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўтказилган педагогик ўқишларда биринчи ўринни олди. Шу боис педагог Мели Бобоқулов методист-ўқитувчи унвонига эга бўлди. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Устознинг 1991 йил чоп этилган «Паст Дарғомнинг фидойи маорифчилари» ва 1993 йил нашр этилган «Куртаклар» йўриқнома китоблари мактаб ўқитувчилари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Муаллим-шоирнинг ҳозиргача «Қалдирғоч» (1984), «Дарғом мавжлари» (1992), «Дарбоз» (1993), «Қишлоғим» (1995) каби шеърий тўпламлари нашр этилган. Унинг 1996 йил нашрдан чиққан «Сен туғилган кун» номли шеърий тўпламида ҳам замонамиз кишиларининг дил кечинмалари маҳорат билан қаламга олинган.

— Мели Бобоқулов мактабимизнинг фахри, — дейди Жума шаҳридаги 1-кечки ўрта мактаб директори Тўра Аҳроров биз билан суҳбатда. — Чунки у 27 йилдан бери шу даргоҳда ишлаб келади. Унинг ўқитган қўплаб шогирдлари айни пайтда республикамизнинг турли бурчакларида намунали фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Бугун ҳам Мели Бобоқулов ёшларга ўзидаги бор билимни беришга ҳаракат қилиб келаётир.

Раҳмон МАМАТОВ, Самарқанд вилояти, Паст Дарғом туман халқ таълими бўлими ходими.

Қувнайдиган даврлар келди.

Xalq ta'limi va hokimiyat

МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқ таълими вазирлигидан олган ахборотимизга кўра Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорининг 1997 йил режасини бажариш бўйича Самарқанд вилояти пешқадамлик қилмоқда. Шу кунгача Челак туманида 422 ўринли, Самарқанд туманида 660 ўринли, Каттақўрғон туманида 320 ўринли, Нуробод туманида 520 ўринли янги мактаб ва 75-мактабга 150 ўринли қўшимча бино, Пастдарғом туманидаги 58-мактабга қўшимча 180 ўринли, 26-мактабга 180 ўринли қўшимча бино, Ургут туманида 240 ўринли, Жомбой туманидаги 48- мактабга 180 ўринли, Пойариқ туманидаги 28-мактабга 240 ўринли қўшимча бинолар қурилган, Тайлоқ туманидаги 240 ўринли мактаб фойдаланишга топширилган.

Жомбой туманига ташрифимизнинг бир неча сабаблари бор эди. Бу ерда мактаблар қурилиши яхши кетаётганини, ўқитувчилар томонидан бирорта ҳам шикоят тушмаганлигини, энг асосийси, ўқув-тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигини (ҳар йили Жомбой туманидан Республика олимпиадасига қатнашишади) аниқлагандик. Жомбой тумани ҳокими Келдиёр Исроилов мактабга, муаллимларга мухлис инсон экан. Буни суҳбатда ва амалга оширилаётган ишлар орқали сезиш қийин эмас. Маориф ҳақида ҳар бир ҳоким гапириши мумкин. Лекин бу гапларнинг ўртасида фарқ бор. Баланд-парвоз оҳангда айтилган сунъий гап ёки бунинг акси — ишлаётгани, маорифга меҳрини кўрсатиб турувчи самимий гаплар. Биз ҳокимда иккинчи хислатни кўрдик ва хурсанд бўлдик.

Бу йил Жомбойда 2 та мактаб ва бир мактаб учун қўшимча бино қуриш режалаштирилган экан. Туманда эса 8 та мактаб қурилиши бошланибди. Шулардан олтитасини бу йил фойдаланишга топширилишини ҳоким алоҳида таъкидлади. Бу режани 200 фоиз қилиб бажарилиши учун эмас, балки бунинг замирида туманда тезроқ ўқишни тушгача (бир сменада) ташкил этиш, ўқитувчиларнинг тирикчилигини қилиши — қўшимча маблағ топиш учун вақт ажратиш ғояси ётибди. Мактабларга ишлаб чиқариш учун ер ажратилибди. Ўтган йилги олинган ҳосил, тушган даромадлар миқдори, уларнинг фойдаланиш даражаси аниқланиб, яхши кўрсаткични бераётган мактабга яна қўшимча ер бериш масаласи қўйилибди. Мактабларнинг спорт комплекси учун ҳам ер ажратилаётган экан. Ҳар бир мактабни яқин фурсатларда компьютер билан таъминлашни ўйлаяпти ҳоким. Ҳар йили мактабни битираётган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш натижалари ҳам унинг диққат марказида экан.

— Ҳар йили 12-13 нафар битирувчиси олий ўқув юртларига ўқишга кираётган мактабларимиз ҳам бор, — дейди Қ. Исроилов. — Бундай мактаб раҳбарларию ўқитувчиларини ҳам мукофотлаб турамиз, ўқувчиси олий ўқув юртига киролмаган мактаб директорининг эса ишдан бўшатилиш масаласини қўямиз. Чунки бу натижа мактабда ўқув-тарбиявий ишларнинг яхши эмаслигини билдирувчи кўрсаткичлардан биридир.

Бундай мезон билан ўлчашни кимлардир тўлиқ қўлламас, бироқ биз ҳокимни тўла маънода тушундикки, у олий ўқув юртига кирадиган ўқувчи орқали, биринчидан, мактабдаги ўқув ишларининг юқорилигини билса, иккинчидан ўқишга кирган йигит-қиз эртага туман учун илмли кадрга айланишини яхши тушунади.

Ҳ. ОМОНОВ.

ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Ta'limda tadbirkorlik

ЛИЦЕЙДА... ПАРТА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЯПТИ

Халқ таълимига бағишланган йиғинларнинг бирида ҳунар билим юртининг ёш домласи «ҳаммаиқтисодий тангликни гапирса ҳам биз нолимаслигимиз керак, чунки бизнинг қўлимизда ҳунаримиз бор», деганди. «Ҳунар — зар» деб бежиз айтишмайди-да донолар.

Бугунги кунда ҳунар ўрганишнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирилмоқда. Айниқса, юртбошимиз ёш авлоднинг мактабдан ҳунарли бўлиб чиқиши борасида қайғуриб, бу борада тегишли қарор ва фармойишлар чиқаряпти. Айни пайтда таълим тизимида катта ўзгариш кутиляпти. Бу асосан 10—12 синфлар қатламида бўлиб, унда ҳар бир йигит-қиз ўқиш билан бирга ҳунарли бўлиб етишади.

Бугунги ҳикоямиз ҳунар ўргатадиган даргоҳлардан бири Самарқанддаги 36-техника лицейи ҳақидадир. Тўғри топдингиз, бу илгари лицей эмас, ҳунар-техника билим юрти бўлган. Лекин шунисига аминмизки, унинг номигина ўзгарган эмас, таълим мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилган. Аввало Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институти билан ҳамкорликда педагог кадрлар танланибди, газ хўжалиги техниклари тайёрлаш учун зарур ўқув дастури ва режалари ишлаб чиқилибди.

Ўқувчиларнинг малакаси ва ўқишдаги муваффақиятларига қараб, дастлабки икки йиллик ўқишдан сўнг ишчи касби олиб ўқишни тугаллаши мумкин (1-босқич). Уч йилу ўн ой таълим олган ўқувчиларга газ хўжалиги техниги мутахассислиги берилади (2-босқич).

Иккинчи босқични аъло баҳолар билан тугатган ўқувчи ҳам ҳунар олади, шунингдек, Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институтининг саноат-фуқаро қурилиши факультетига 2-курсдан ўқишга қабул қилинади.

Ўз-ўзидан лицейда ўқиш учун Самарқанддаги 29, 42, 43, 50, 51, 14 ва бошқа мактабларнинг ўқувчилари ўртасида билим баҳслари бўлади.

Лицейнинг оталиқ ташкилоти «Ўзсантехгазпайванд» бирлашмаси ҳисобланади. Бироқ оталиқ ташкилот билан бирга унга ҳокимлик, халқ таълими вазирлиги, бошқармаси — барча ёрдам беради. Бунда маорифимиз орифларидан бирининг «мактаб директори қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади», деган фикрини ва бу фикрга мос ишлаётган лицей раҳбари Т. Тошеванинг изланувчанлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Иш билган раҳбаргина атрофдагиларни ўзига жалб эта олади. Лицей вилоят учун халқ хўжалигига зарур кадрлар тайёрласа, таълим соҳасида эса янгича усуллардан фойдаланилади. Бунда ЭҲМ операторлари, газ хўжалиги техниклари, газ ва электр пайвандчилари, ёритиш қурилмалари ва кучланишларнинг электромонтажчилари, саноат корхоналарининг ҳисобчилари тайёрланади.

Лицей ўқув моддий базасини яхшилаш учун фақат оталиқ ташкилотларнинг ёрдаминигина кутмасдан биринчилар қаторида ўз имкониятлари доирасида маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Лицей устахонасига ташриф буюрганимизда у ерда мустаҳкам парталар, ўқитувчилар столи, стуллар, ёзув тахталари ясалаётганининг гувоҳи бўлдик. Бизни алоҳида қувонтиргани маҳсулотлар сифатининг яхшилиги, бошқаларга нисбатан арзонлигидир. Парталарга буюртмалар кўп тушаётганлигининг боиси ҳам шунда. Бу жараёнда талабалар ҳам қарашадилар ва ўз ўрнида иш ҳақи оладилар.

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида сантехника ишлари учун зарур қисмлар, ДМВ антенналари, дала ҳовлилар ва болалар боғчаларининг спорт майдонлари учун жиҳозлар, эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариляпти. Лицей болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга ҳам тайёргарлик кўряпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учколлекторга топширилади. Шаҳарда бу маҳсулотларни сотадиган дўконча ҳам бор.

Шунингдек, лицейда ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган тикувчилик участкаси ташкил қилинган. Бу ерда қизларимиз асосан эгаллаётган мутахассисликларидан ташқари тикувчилик касбини ҳам ўрганмоқдалар. Унда болалар кийимлари, ошхоналарга керакли кийимлар тикилмоқда.

Бу ишларга лицей ўқувчиларининг 30 фоизи қатнашмоқда.

Яна бир қисми эса Олий ўқув юртларига кириш учун ҳам тайёрланмоқда. Бу тест синовларига тайёргарлик кўриш учун шароит — репетиторлик йўлга қўйилган. Тест синовларини машинада ва машинасиз вариантлари ишлаб чиқилган.

Алқисса, бунда иш ўрганса бўладиган жиҳатлари кўп экан. Биз уларнинг айримларинигина эътиборингизга ҳавола қилдик.

Н. НАМОЗОВА.

P. S. Дарвоқе, қайси бир раҳбар ходимларимиз янги қураётган мактаб учун парта изланаётган бўлсалар, марҳамат ушбу техника лицейига буюртма берсангиз, маҳсулотнинг сифатига кафолат бор.

Tahlil

Энг кўп абитуриент берган маскан

Маълумингизким, Давлат Тест Маркази абитуриентларнинг жавоблари орқали таълим самарадорлиги, яъни ўқувчининг ўз мактабида қандай таълим олганлигини, таъбир жоиз бўлса, ўқитувчисининг дарс бериш даражасини ҳам билиб олиши мумкин. Ҳатто ўқитувчининг ўз фани бўйича қайси бўлим ёки бобни яхши тушунтирмаганини ҳам аниқлаш мумкин бунда.

Демак, ўз-ўзидан вилоят туманларидаги умумий аҳволни кўрсатиш ҳам қийин кечмайди. Биз Давлат Тест марказининг Самарқанд вилояти бўйича таҳлилини кўздан кечирганимизда **Самарқанд, Жомбой, Каттақўрғон, Оқдарё туманларида самарадорлик даражаси нисбатан юқори** эканлигини кузатдик. Келинг, ушбу туманлардан бирини, аниқроғи, Самарқанд тумани мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

Қўлимизда Давлат Тест марказининг «Самарқанд тумани мактаблари бўйича жавоблар самарадорлиги» кўрсатгичлари ва гистограммалари. Уларни таҳлил қилишимиздан аввал шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, бу гистограммалардаги айрим нисбийликлар сабаб ўқитувчи норозилик билдириши мумкин. Лекин унинг норозилиги ҳам нисбий. Мисол тариқасида тумандаги 58-ўрта мактаб битирувчиси биология (ўзбек тили бўлими) фанидан 36 саволнинг барчасига жавоб бериб, 100 фоиз самарадорлик кўрсатган. 34-ўрта мактабдан бир абитуриент 35 та (97,22 фоиз) саволга жавоб берган. Шунингдек 27-ўрта мактабда ҳам биология ўқитишнинг яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлашни истар эдик. Икки абитуриент тест саволларининг 90,28 фоизига жавоб берган. Бу фаннинг 1-, 2- ва 36-мактабларда ҳам яхши йўлга қўйилганлигини сезиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар биридан 10 нафардан битирувчи шу фанлар билан боғлиқ факультетларга имтиҳон топширишган. Бунда ўқитувчиларнинг ҳам муайян ҳиссаси борлиги англашилади. Умуман олганда, туманда биология ўқитиш яхши, деган хулосага келишимизга асос бор.

Химия фани бўйича ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Бошқа ҳудудлар қатори Самарқанд туманида инглиз тили ва тарих фанларидан самарадорлик ошган. **Олий ўқув юртига энг кўп абитуриент берган мактабларни санайдиган бўлсак, 1-мактаб 36 нафар, 2-мактаб 33 нафар, 3-мактаб 22 нафар, 31-мактаб 20 нафар.**

Биз энг кўп абитуриент берган Мирзо Улуғбек номидаги 1-ўрта мактабда бўлиб, аҳвол билан танишдик.

— Ўтган йили неча ўқувчингиз мактабни битирди ва улардан неча нафари ўқишга кирди? — деб сўраймиз мактаб директори, педагогика фанлари номзоди Неъмат Вафоқуловдан.

— Ўтган йили 60 нафар ўқувчимиз мактабни битирди ва улардан 5 нафари олий ўқув юртига кирганлиги ҳақида маълумотга эгамиз. Директорнинг айтишича, мазкур мактаб жойлашган қишлоқ Самарқанд шаҳрига яқин бўлганлиги боис Самарқанд тиллар, қишлоқ хўжалиги молия институтлари, Самарқанд давлат университети қошидаги лицейларга 17 нафар 9-синф битирувчилари ўқишга боришган. Яъни уларнинг энг сара ўқувчиларини лицейлар «олиб қўйишган». Мактабда 10-синфда химия-биология ва 11-«А» синфда физика-математикадан фан чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар ташкил қилинган. Қолган болалар 11-«Б» синфда дарс билан бирга автослесарлик (ўғил болалар) ва бичиш-тикиш (қизлар) касбини ўрганишмоқда. Демак, мактаб икки йўналишда — олий таълим тизими ва халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшаяпти.

Айни кунларда битирув имтиҳонлари пайти. Шу билан биргаликда бундай олий ўқув юртларига кирувчилар учун репетиторлик курслари ҳам йўлга қўйилган. Умуман олганда, 1-мактаб Самарқанд туманида биринчиликни қўлдан бермасликка ҳаракат қиляпти.

Н. ИСЛОМОВА.



Tashabbus

ТАРИХНИНГ БИР ТОМЧИСИ

Мактаблар ҳамиша ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим бир жабҳаси ҳисобланиб, маълум бир давр аксини кузгуда намоён этиб келган. Уларнинг тарихини билиш бошқалар учун уша давр таълими ҳақида тасаввур берса, айнан шу мактаб жамоаси учун эса ўзига хос сабоқ бўлади. Негаки, қилинган ибратли ишлардан ўрнак олинса, хатолардан эса тўғри хулоса чиқарилади. Бунинг учун яратилаётган мактаблар тарихи холис, шу куннинг нуқтаи назарига асосланган тарзда ёзилиши керак.

Шаҳримизда бу иш яхши йўлга қўйилган. Иззат Бекмуродов, Инатулла Рустамов, Райим Сатторов каби маҳаллий тарихчилар мактаблар тарихини яратиш бўйича салмоқли вазифаларни уддалашмоқда. Деярли барча мактабда ўз тарихи ёзилган китоб мавжуд. Ундан мактабнинг фаолият кўрсата бошлаганидан шу кунгача бўлган барча маълумотлар ўрин олган. Мактабни ташкил этишга ҳисса қўшган кишилар, унга директорлик қилганлар, ўқитувчилар ҳамда аълочи ва яхши баҳоларга ўқиган ўқувчилар рўйхатлари берилган. Таълим-тарбияни такомиллаштириш борасида олиб борилган барча ибратли тажрибалар алоҳида-алоҳида сарлавҳалар билан батафсил ёритилган.

Ўйлаймизки, бу каби хайрли ишлар республикамизнинг барча мактабларида амалга оширилса, ёш ўқитувчиларда ўз мактаби билан фахрланиш, қилинган ишларни ибратли давом эттиришга иштиёқ уйғонади. Ўқувчиларда эса илм ўрганишга рағбат пайдо бўлади.

Шунингдек, шу кунларда барча мактабларда тарихий музейлар ташкил этиш иши авж олиб кетди. Аслида бундай музейлар кўпчилик мактабларда бор эди. Лекин уларни янги, мустақил Ўзбекистон ҳақидаги материаллар билан бойитиб, ўқувчиларни унинг сарҳадию бойликлари, тараққиёт йўли билан таништириш шу куннинг муҳим вазифаларидандир.

Исматулло УМАРОВ,
Каттақўрғон шаҳридаги 7-мактаб директори.

Yangi turdagi o'quv muassasalarida

ЎҚИШ ИХТИЁРИЙ, ҚИЗИҚИШЛАР ТАБИИЙ

Янги турдаги ўқув муассасалари — лицей, гимназия, коллеж, бизнес мактабига кўпчилигимизнинг қизиқиш билан қарашимиз боиси нимада? Чунки улар янгилик, ички ҳаёти қандайдир соҳага йўналтирилган. Табиийки, фарзандини маърифат нурида тоблашни истаган зиёли, ҳунарманд ота-оналар лицей, гимназияларга даъвогар бўлишмоқда.

Мақоламиз ана шундай ўқув муассасаларидан бири ҳақида. Самарқанддан юз чақирим нарида, сулим табиати, одамохун, жиндек тўпори кишилари билан тан олинган юрт — Қўшработ туманининг нақ марказида қад тиклаган бу ўқув масканига бизнес мактаби деб ном берилган. Мактаб биноси туман ҳокимлигининг шундоқ қарама-қаршисида. Иморат битиб, шу даражага етгунча, эҳҳе, анча сувлар оқиб кетди, қанчадан қанча кишиларнинг асаблари бузилди. «Училище» деб аталувчи ўқув масканига мўлжаллаб қурилган бу бино 1995 йилда ишга туширилиши билан шартта бизнес мактаби деб эълон қилинди.

Замон шуни талаб қиляпти, ном қўйишда иккиланишта не ҳожат? Туман халқ таълими бўлимида «Ҳунар лицейи деб номлаб сакмикан?» деган фикр ҳам бўлди. Вилоят ҳунар-техника таълими бошқармасининг кўрсатмасига мувофиқ эса, рисоладагидек деб айтиш мумкин бўлган бизнес мактаби вужудга келди.

Директорликка тайинланган Умрзоқ Пўлатов калаванинг учини топишга дастлаб анча қийналди. Илгаридан мавжуд бўлган бўлимларни бутунлай қайтадан кўриб чиқишга тўғри келди. У масалага шароит ва ихтисосликни уйғунлаштирган ҳолда қаради. Қўшработ тўрт ёғи дашту далалар, ўнгирлар, қисман токзорлардан иборат. Демак, шароитга мос мутахассисликлар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, бу кундай равшан. Шундай қилинса, ҳеч ким ютқазмайди.

Шу тариқа бизнес мактабида муҳитга мос ихтисосликлар учун бўлимлар очилди. Кичик менежер, кичик менежер ёрдамчиси, кичик корхоналар ҳисобчиси, кичик бизнес ҳисобчиси, фермер, ҳоҳадор, ижрочи ва механизатор, ЭҲМ оператори ва ҳисобчиси, радиоаппаратура устаси, тикувчи-тўқувчи, ноозиқ-овқат моллари сотувчиси ва газначи. Ким қайсини хоҳласа, шунда ўқисин дегандек, мактабда ихтисосликлар бир талай. Ўқиш ихтиёрий, қизиқишлар табиий. Шундай қилиб, бизнес мактабига 500 дан зиёд 9-11 синфни битирган ўқувчилар қабул қилиндилар.

Урин режасини бажариш эҳтиёж билан боғлиқ қилиб қўйилди. Яъни ҳисобчи, фермер, оператор қайси идора ёки хўжаликка зарур бўлса, бизнес мактабига йўлланма беради. Шундан сўнггина дирекция бу масалани ижобий ҳал қилади. Кераги бўлса-бўлмаса, давлатнинг қанчадан қанча маблағини совуриб, тайёрланган кадрларнинг кейинги тақдирига илгари ҳеч ким қизиқмас ва ташвишланмас эди.

Эҳтиёж, шароит, қизиқиш бу бизнес мактабининг ҳаётига хос ҳалқа бўлиб қолди. Илмнинг замонага мос янги йўналишлари, албатта, мустақил ҳаёт остонасида турган қишлоқ йигит-қизлари учун сирли-синоатли бир дунё. Мененжер, кичик корхона ҳисобчиси, ЭҲМ оператори, фермер бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган талабалар мактаб дастурларидан ҳам узилиб қолганлари йўқ. Уларга бу мутахассисликлардан ташқари мактаб дастурига киритилган барча фанлар кириши кабинетларда режага мувофиқ ўз вақтида ўқитилаяпти.

Қаҳрамон Очил Қодиров номи билан аталувчи бу масканда 20 та фан кабинетларининг жиҳозланиши, безатилиши, ҳатто таълимнинг ички мазмуни ҳақида ҳам баралла шундай дейиш мумкин: шаҳардаги ўқув масканларидан асло, кам жойи йўқ. Маънавият ва маърифат хонаси дейсизми, ЭҲМ кабинети дейсизми, тикувчилик цехи дейсизми, тўқувчилик, ҳатто музқаймоқ ишлаб чиқарадиган цех дейсизми, бари-барида мамнун юрган ёшларни, ишидан қониқиш олаётган мураббийларни учратасиз. 20 нафар мастер, 27 нафар ўқитувчилар, молия ва солиқ инспекцияси идорасидан дарс соатлари олган тажрибали мутахассислар бизнес мактабининг фидойилари. Уларсиз машғулот йўқ, машғулотларда мазмун йўқ.

Бизнес мактабида 2—3 йиллик гуруҳлардан ташқари, 4—5 ойлик қисқа курслар ҳам очилган. Ҳар йили 9-синф маълумотига эга бўлган 11 нафар йигит-қизлар бу ерга қабул қилингач, ойига 900 сўмдан стипендия билан таъминлана бошлайдилар. Бу йил мактабни 261 талаба битириши мўлжалланмоқда. Галдаги режалардан яна бири келаси ўқув йилидан бошлаб электр газ пайвандловчи ихтисослигини ўргатишдир. Бу ҳам ички эҳтиёж билан боғлиқ. Яқин йилларда туман маркази аҳолисини табиий газ билан таъминлаш режалаштирилаяпти.

Электр жиҳозини таъмирловчилар ҳам зарур экан, деб ўйлайди директор.

Гапнинг қисқаси, бизнес мактабидаги ишлар чакки эмас. Мактаб ҳовлиси шинам, саранжом-саришта, гул-дарахтлар кўзингизни яшнатади. 1000 туп Калифорния тераги, 300 туп шотерак, 1000 дона гул қўчатлари ўтказилди. Агар шуларнинг бари кўкариб кетса, мактаб қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетарди. Ният қутлуг, бошлари бор бўлса, бу ерда ишловчилар уша кунларни ҳам кўрадилар.

Мактаб директори, куюнчак инсон Умрзоқ Пўлатов жўшиб-жўшиб сўзлар, сўзларидан маъно уфурар, бу маънолар эса менда касб-ҳунар ўрганишни дилларига туккан йигит-қизларнинг қайноқ ҳаётини акс эттиргандек таассурот уйғотар эди. Унинг сўзлаганлари мактабдаги кўтаринки ва илиқ кайфият билан боғлиқ эди. Мактанганнинг уйини кўрдик, ҳар қалай бу уй замонага мос, кўп сонли мезбонлари бўлгани сингари гоҳ-гоҳ ташриф буюриб турувчи меҳмонлари ҳам бор. Келиб кўрганлар қойил қолиб кетишмоқда.

Мақоламиз сўнгида бир шингилгина мактаб ҳаётига доир ҳайратомуз факт келтирмоқчиман. Наврўз байрами куни бизнес мактабининг талабалари 120 хил таом тайёрлаб, халққа тортиқ этишди. 120 хил. Бунинг ичида биз билганларимиз қанча, билмаганларимиз қанча! Бу ҳам изланишнинг ҳосили, самараси бўлса керак. Изланаверинг, имкон ахтараверинг, ниятларингиз вожиб бўлаверади, тангри сизни эзгу ниятларингиздан айирмасин, дегим келади қўшработлик бу маорифчиларга.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат» мухбири.

ФАКТЛАР

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, ХТБ ва педагогика жамиятининг «Маърифат нури» газетаси 1995 йилдан буён, 7625 нусхада нашр этилади. Бу кўрсатгич кўпгина республика нашрларидан кўпдир. Унда вилоят халқ таълими янгиликлари, зарурий хужжатлар, тавсиялар ва албатта, муаллимлар ижодидан намуналар бериб борилади.

*

Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлиги саройида қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Унинг 60 йиллик тўйи нишонланди.

*

Самарқандда «Кўксарой» номли вилоят ҳуқуқий-ижтимоий оммабоп газетасининг илова сони нашрдан чиқди. Газетада вилоят ҳокими А. Мардиевнинг табрик сўзи берилган. Газета муаллим ва устозларимизга ҳам кўмакчи бўлишини тилаб қоламиз.

Д. КАМОЛОВА.

Сўнгги пайтларда ҳунар таълимига эътиборнинг кучайтирилганлиги бежиз эмас. Негаки, у аввало инсон ҳаёти тўкислигини таъминловчи манба бўлса, иккинчидан маълум бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини турли кўринишларда бутун дунёга тарқатадиган санъат тури ҳамдир.

Оқтош шаҳридаги касб-ҳунар мактабида тайёрланаётган бежирим стол, стул, хонтахталар мижозларни ҳушнуд этаётган бўлса, нақшинкор сандиқчалар, курсилар ҳақиқий санъат асари даражасида тайёрланган нақ-қошларимиз ишлари намуналари хорижликларни лол қолдирмоқда. Яқинда бўлиб ўтган республика билим юртларида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмасида бу мактаб ҳам иштирок этиб, Самарқанд вилоятининг II-даражали дипломга сазовор бўлишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

СУРАТДА: касб-ҳунар мактаби директори Б. Ҳайитов уста билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Ҳаётда шундай бир касб эгалари борки, уларнинг меҳнатлари, қилган эзгу ишлари кишилар қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Бу касб эгалари хоҳ каттада, хоҳ кичикда бўлсин ўзгача бир ҳурмат уйғотади. Бу касб эгалари, шоир айтганидек «инсон қалбининг муҳандислари» — ўқитувчилардир. Шундай заҳматли касб эгаларидан бири, ўз касбининг ҳақиқий устаси Болта Қодировдир.

Кўриниши оддий, камтарин, камгап бу инсон Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилади. Шаҳардаги 16-мактабнинг гимназия синфларида ёшларга риёзиётдан сабоқ беради. Муаллим билан суҳбатлашиб қолгудай бўлсангиз, у кишининг суҳбатларидан кўнглингизни узгингиз келмайди. Болта Қодировнинг ўқувчилар билан бўлган муносабатларини фақат дарс тушунчасига сиғдириш қийин, буни устоз ва шогирд ўртасидаги маънавий юксак ижодий-илмий мулоқот дейиш мумкин.

Риёзиёт фани ҳар доим янгиланиш талаб қилувчи, янгидан-янги фикр-мулоҳазалар уйғотувчи фандир. Муаллим ҳар бир машғулотда янгидан-янги дарс усулларидан, ўйин шаклларидан фойдаланиб юқори натижаларга эришмоқда, ўқувчилар меҳрини қозонмоқда.

Муаллим «Бахтли тасодиф», «Юлдузли лавҳалар», «Математик жанг» каби дарс шаклларида машғулотлар ўтганида нафақат ўқувчилар, балки дарсни кузатиб ўтирган ўқитувчи ва ота-оналар ҳам жараёнга қўшилиб кетганликларини сезмай қолишади.

«Ҳар бир дарсда ўқувчига бирон бир ижодий янгилик, ўқувчиларни ижодий изланишларга, фикрлашга, мулоҳаза юритишга йўллайдиган янгиликлар, йўллар топишимиз керак», дейди Болта ака. У киши ташкил қилган «Риёзиёт оламида» тўгараги доимо ўқувчилар билан гавжум.

Муаллимнинг ижодий режалари катта. Ҳозирги кунда риёзиёт йўналишидаги юқори гимназия синфларида риёзиёт ва физика фанлари бўлиниб ўтилади. Келгусида шу фанларни бўлиб ўтиш, муаллим фикрича, бошланғич 2-3-синфлардан бошланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўшанда юқори синфга бориб, ўқувчиларимиз риёзиёт сирларидан воқиф бўлиб, олий математика билан ҳам дўстлаша оладилар. Мактабларимиз шундай ўқувчиларни кўплаб тайёрлаб берса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабини қондиришга ҳам эришилади. Чунки давримиз талаби аниқ фанларни чуқурроқ ўрганиш, мураккаб мосламалар, комьпютерлар билан иш олиб боришдир.

С. НОСИРОВА,
Каттақўрғон шаҳри.

Yulduzlar olamiga yo'l

КОМЕТАЛАР ВА ҚУЁШ

Комета Қуёшга яқинлашганида унинг ядроси жуда қизиб кетиб, ундан газлар ва чанг чиқиш интенсивлиги ошиб кетади ва Кометанинг ёруғлиги ортади. Комета ядросининг диаметри 0,5 км.дан кам бўлса, уни кўриш, кузатиш қийин бўлади. Кометаларнинг кўриниб турган бошларининг диаметрлари 10 минг км.дан 1 миллион км.гача, баъзи кометаларнинг боши Қуёшдан катта бўлади. Одатда кометанинг боши думларига қараганда ёруғроқ, думларининг кўринишли қисми 1 миллион км.дан 100 миллион км.гача бўлиши мумкин. Кометанинг массаси асосан ядросида тўпланган (10^{14} г.дан 10^{19} г. гача). Ҳар гал Қуёш яқинидан ўтганида маълум қисм массасидан ажралади. Масалан, у Қуёш тожидан ўтганида ядросининг юзлаб метр сиртқи қатламидан ажралади. Қуёшдан Ерчалик узоқликдан ўтганида эса бир неча метрлик сиртқи қатламидан ажралади.

Кометаларнинг ядролари асосан сув, CO ёки CO_2 музларидан (~2/3 қисми) ва анчагина тошсимон жисмлардан (~1/3 қисми) ташкил топган. Қуёш системасининг кам ўзгарган бирламчи моддаларидан иборат эканлиги ҳақидаги тахмин бор. Шу сабабли ҳам кейинги пайтда кометаларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Кометалар ичида энг машҳури Галлей кометасидир. У ҳақда Вавилон манбаларида ҳам маълумотлар келтирилган. Ҳар 75 йилда Қуёшга яқин келади (1911, 1986 йилларда келган). Яна 2061 йилда келиши кутилади. Инсоният Галлей кометасининг 1986 йилги келишига катта тайёргарлик кўрди. Уни ўрганиш учун 20 дан ортиқ ривожланган мамлакатлар бирлашиб иш кўришди. Унга қарата бирдан бешта космик аппарат юборилди. Европа космик агентлиги «Жотто» деган аппаратни йўналтирди. 1985 йилнинг ёзида Япония «Суисей» ва «Сакигаке» деган аппаратларини Галлей билан учрашувга юборди. 1984 йилнинг декабрида Совет Иттифоқи Венера ва Галлей кометаси томон иккита «Вега» аппаратларини учирди... «Вега» лойиҳасида Франция, Болгария, Венгрия, Польша, Германия, Австрия, Чехословакия мутахассислари иштирок қилдилар. Инсоният кометаларга биринчи марта космик аппаратлар юбориши эди. «Вега»лар Венерага етиб бориб, программани бажаргач, Галлей томон йўл олдилар. 1986 йил мартида унга ~80 км/с тезлик билан яқинлашдилар. «Вега-1» 6 мартда Галлейга 8900 км.га яқинлашди, «Вега-2» эса 9 мартда Галлейдан 8000 км масофадан ўтди. Улардан Ергача масофалар тегишлича 172 ва 161 миллион км. эди (улардан радиосигнал -9 минутда етиб келарди). Улар Галлей кометаси ядросининг тасвирларини Ерга юбордилар. У узунлиги 16 км. кенглиги 8 км. бўлган қаттиқ монолит улкан харсанг кўринишида эди. Сирти гадир-будир, илгари олимлар Галлей ядросининг диметри 3÷5 км бўлса керак деб юришарди.

«Вега»лар Галлей кометасининг 1500 тасвирини Ерга узатиб бердилар. Шулардан 70 таси 8 минг км.дан 50 минг км.гача масофалардан юборилган. Бу тасвирларни олиш ва кўрсатиш учун ноёб телекўрсатув системаси кашф қилинган эди. Камерани доимо комета ядросига йўналтириб турадиган система Чехословакия мутахассислари билан биргa яратилган эди. Телекўрсатув системаси эса Франция ва Венгрия мутахассислари билан ҳамкорликда бунёд этилди.

«Вега»ларда ўрнатилган асбоблар ёрдамида комета ядросининг сиртидаги ҳарорат ўлчанди. Баъзи жойларида ҳарорат (плюс) $+100^0$ цельсийгача кўтарилганлиги аниқланди. Ўлчамлар Галлей кометасининг ядросидан бир секундда ~40 тонна сув бугланиб чиқаётганлигини; Қуёшга ҳар яқин келганида 400 млн. тонна массасини йўқотишини кўрсатди. Ҳисоблашлар яна шуни кўрсатдики, у яна 10 минг йилгина комета формасида яшаши мумкин, кейин оддий астероидга ёки метеоргa айланади.

«Вега»ларда комета ядросидан отилиб чиқаётган чангни текширадиган ноёб асбоблар ҳам ўрнатилган эди. Ҳар секундда 5÷10 тонна чанг отилиб чиқиши, чанг таркибида углерод, кислород, натрий, магний, кальций, темир ва ундан ташқари баъзиларида муз заррачалари аниқланди. Уларда углерод кўп, демак, комета ядросида органик бирикмалар бор.

Комета билан «қуёш шамоллари»нинг тўқнашувидан нима бўлишини ҳам ўрганиш лозим. «Вега»ларда ўрнатилган ноёб ўлчаш асбоблари Галлей кометаси ядросидан 1 миллион км. олдда зарбали тўлқинларни қайд қилди. Бу зарбали тўлқинларда мураккаб физикавий жараёнлар содир бўлади. Уларни билиш термоядро реакторларидаги ва Ер атрофидаги плазма қонуниятларини ўрганишга ёрдам беради.

Галлей кометасига юборилган бешала космик аппарат ҳам ўз программаларини муваффақиятли бажарди. Улардан олинган маълумотлар бир-бирини тўлдиради. Масалан, Япония юборган зондлар — «Суисей» ва «Сакигаке» кометадан 100 минг км. масофадан ўтиб унинг думларидаги нурланишларни ўрганди. «Вега» аппаратлари кометага биринчи бўлиб яқинлашди ва унинг орбитаси координатларини аниқлаб, «Жотто»га юбориб турди. Унинг кометанинг жуда яқинидан ўтишига сабабчи бўлди (комета ядросидан 600 км. масофадан ўтди ва ноёб тасвирлар олиб, Ерга жўнатди. Бу тасвирларда комета ядроси сиртида Ойдаги каби кратерлар ва халқасимон структуралар яққол кўриниб турарди).

Ҳозир «меҳмон» бўлиб келган кометани иккита америкалик ҳаваскор астрономлар Ален Хейл ва Томас Бопп деярли бир вақтнинг ўзида (атиги 1 соат фарқ билан) 1995 йилнинг 23 июлида очишган. Шунинг учун бу комета Хейл-Бопп кометаси дейилади. Улар кўриб қолишган вақтда комета Ердан 1 миллиард км. узоқда бўлган. Ҳали думи пайдо бўлмаганди. 1996 йилнинг апрелида Юпитернинг яқинидан ўтаётганида (~120 миллион км.) унинг даври катта ўзгариш олган, яъни 3000 йилдан 2000 йилга ўзгарган. Унинг орбитаси жуда чўзинчоқ, эксцентриситети 0,9953 га тенг. Кометанинг орбита текислиги Ер орбитаси текислиги билан 89,43° бурчак ташкил этади. 1997 йилнинг 31 мартида перигелийга етиб келган; унинг ядросидан Қуёшгача масофа 0,929 астрономик бирликка, яъни 135 миллион км.га тенг бўлган. Уни май ойида осмонда кузатиш учун Бузоқ юлдуз туркумига қараш керак. У узоқлашган сари ҳиралашиб боради ва июннинг ўрталарида кўздан ғойиб бўлади. Шу пайт юлдуз катталиги 1,8 бўлган (анча ёруғ). Ерга 23 мартда энг яқин келган; масофаси 200 миллион км. бўлган. Ҳозир Қуёшдан ва биздан узоқлашиб бормоқда.

«Интернет» маълумотига кўра, бу кометанинг бошини қўшалоқ ядроли (ўлчами ~100 км) эканлиги маълум бўлган. Бу маълумот Хаббл телескопи ёрдамида олинган сурат анализидан келиб чиққан.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

Futbol maktab-internatlari respublika birinchiligi

«ЧИЛОНЗОР» ЎЙИНГОҲИ ЧОРЛАЙДИ

Бугун пойтахтимиздаги «Чилонзор» ўйингоҳида халқ таълими тизимига кирувчи ўсмирлар футбол мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида биринчи республика мусобақалари бошланади. Чемпионлик учун беллашувларда ҳудудий мусобақаларда ғолиб чиққан Самарқанд, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари мактаб—интернатлари командалари давра тизимида уч кун давомида кураш олиб боришади.

Республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида финалга чиқиш учун ўтказилган ҳудудий мусобақалар якунларига кўра илк бор уюштириладиган мусобақада ёш футболчиларда ғалаба иштиёқи баланд. Буни Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари мактаб—интернатлари бир хил очко тўплаганликларида (3 очкодан) ва тўплар нисбатига кўра ғолиб аниқланганида ҳам кўриш мумкин. Самарқандда ўтказилган ҳудудий мусобақада майдон эгалари спорт маҳорати жиҳатидан Сурхондарё ва Қашқадарё командаларидан анча устунлигини кўрсатди ва барча учрашувларда ғалабага эришди. Ҳудудий мусобақалар ғолиблари бўлган Фарғона ва Сирдарё вилоятлари футбол мактаб—интернатлари командалари ҳам ўз гуруҳларида синовдан ўтишди. Энди тўрт кучли жамоа ўртасидаги учрашувлар, шубҳасиз, муросасиз курашлар остида ўтади ва футбол ишқибозлари қизиқарли ўйинларни ҳаяжон билан томоша қилишади.

Республика биринчилиги мусобақаларини қизиқарли эсда қоларли ва байрамона ўтказиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги Республика Давлат спорт қўмитаси, республика футбол федерацияси «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан ҳамкорликда зарур тадбирлар амалга оширилаётир. Бинобарин, ўйингоҳда спорт усталарининг намунавий чиқишлари, бадиий ҳаваскорлар концерти йиғилган спорт ишқибозлари кайфиятини кўтаради, деб умид қиламиз.

Нуфузли республика мусобақасини ўтказиш мутасадди ташкилотлардан катта куч—ғайрат, уюшқоқликни талаб этади. Биз «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи, халқаро тоифадаги ҳакам Бобур Ҳайдаровдан мусобақа қатнашчилари учун яратиладиган шарт—шароитлар ҳақида қисқача гапириб беришни илтимос қилдик.

—Биз Халқ таълими вазирлиги билан ҳамжиҳатликда мусобақада иштирок этувчи команда жамоаларига маданий—маиший хизмат кўрсатиш юзасидан олдиндан ҳозирлик кўриб қўйдик. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Белгиланган муддатда спортчилар ўз тренерлари раҳбарлигида машқлар ўтказишлари ва бўш вақтларида пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида — музей ва театрларда, истироҳат боғларида бўлишлари мумкин.

Ҳа, спорт мактаб—интернатлари талабалари Тошкентда ўтказиладиган биринчи республика мусобақаларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлишди. Бу дамлар уларнинг келгусида улкан чўққиларга эришган дамларида ҳам ёркин хотира сифатида ёдларида қолади. Саралаш мусобақалари ғолиблари бугун майдонга тушиб, уч кун мобайнида ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишади.

Узбекистон футболининг муносиб ўринбосарлари бўлиб етишишга аҳд қилган ёш спортчиларга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ғафур МИРЗО.

Хуллас...

СЕВСАНГ, ЯМЛАМАЙ ЮТ,

бу Ҳиндистонда яшовчи баланс қабиласидаги ёшларнинг шиоридир. Чунки уларда аждоддан авлодга ўтиб келаётган антиқа никоҳ маросими бор.

Баланс қабиласидаги бир-бирини севиб қолган ёшлар аллақандай қоғозларни тўлғазиб, ЗАГС идораларида изгимайди, фақатгина гувоҳлар кўз ўнгида улкан тропик дарахт баргини икки томонидан тишлаб, чайнай бошлайдилар. Барг тугаб, севишганлар лаби бир-бири билан тўқнашгач, йигит ва қиз эр-хотин ҳисобланиб тўй бошланади. (Балки, шунинг учун ҳам бу ҳиндлар сигирга сиғинишса керак...)

•

МУНАЖЖИМЛАР АДАШИШМАЙДИ

Австралиялик икки гўзал қиз мунажжим (астролог)лар нечоғлик рост башорат қилиши билан қизиқиб қолдилар. Шу сабаб Шриланкалик машҳур бир башоратчини ўз юртларига таклиф этиб, ўз тақдирларидан фол очиришди. Меҳмон мунажжим юлдузларга эмас, гўзалларнинг қадду бастига термулиб, тез кунлар ичида ҳар иккиси ҳам ваҳшийларча зўрланиши ҳақида башорат қилди ва ... ўзини тез кунлар ичида Австралия суд залларидан бирида кўрди! Чунки ёлғончига чиқиб қолмаслик учун башоратнинг ижросини ҳам ўз бўйнига олганди, бечора.

•

ЎЗИ ДАРД — ЎЗИ ДАВО

Узимизнинг йирик-йирик қизил узум инфаркт касалига даво экан. Ҳа, америкалик шифокор-олимлар шундай хулосага келишди. Уларнинг айтишича, кунора 250 грамм қизил узум шарбатидан ичиб турган бемор икки-уч ой ичида соғайиб кетармиш, Қизиқ, қизил узумнинг бозордаги нархи унча-мунча соғ одамни ҳам инфаркт қилишини америкалик олимлар билармикан?

ana shunaqa gaplar

Фахг

ИХЛОС

Умр деганлари йўлдаги шамолдай гап экан. Мана, Одила Бошмонованинг ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига ҳам 30 йил бўлибди. Дарвоқе, сиз Одилахонни биласиз-а? У киши Паст Дарғом туманида донг таратган мураббий, тумандаги Чархин ҳунар лицейининг жонкуяр ўқитувчиларидан ҳисобланади. Дастлаб Самарқанд шаҳрида жойлашган Ушинский номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртини, сўнгра Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини муваффақиятли тугатган Одила Бошмонова иш фаолиятини ўзи ўқиган Иштихон туманидаги 15-мактабда бошлаган эди. Энди эса, 20 йилдан сшаяптики, бизнинг лицейимизда меҳнат қилиб, ҳамкасбларию шогирдлари ҳурматини қозониб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, янгиликка интилувчан, болаларга меҳрибон, энг муҳими, ўз касбига ихлоси баланд бу инсон аҳил жамоамизда ўз ўрни, ўз сўзига эга. Ҳамкасбимиз ҳақидаги мухтасар ҳикоямиз сўнггида у кишини таваллуд топган кунига 50 йил, ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига 30 йил тўлиши билан самимий қутлаб қоламиз.

Паст Дарғом туманидаги Чархин ҳунар лицейи жамоаси. Самарқанд вилояти ҳунар-техника таълими бўлими.

ЎҚИТУВЧИЛАР КЎМАКЧИСИ

Анатолий Блинковни «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятига раҳбарлик қилган даврдан биламан. У ўз ишини пухта биладиган, айни пайтда вазмин ва камтарин инсон сифатида менда яхши таассурот қолдирганди. Сўнгги йилларда у киши билан спорт йиғинларида, спартакиада мусобақаларида, «Қувноқ стартлар» мусобақаларида учрашиб турамиз. У «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раёсати аъзоси сифатида мажлисларда иштирок этаркан, муҳокама қилинаётган масалаларга ўзининг принципиал муносабатини лўнда баён этади. Ўзи раис муовини вазифасини бажараётган «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг ютуқлари билан мақтанишни хуш кўрмайди.

Куни кеча Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимияти биносида Анатолий Блинков туғилган кунининг 60 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Тантанали кечада сўз олган Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев юбиляр ҳақида самимий дил сўзларини изҳор этиб, шаҳар ҳокими Козим Тулаганов табрикномаси ва ҳокимият фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди.

Тантанада Акмал Икромов тумани ҳокими О. Алихўжаев, Республика Давлат спорт қўмитаси олий спорт маҳорати бошқармаси бошлиғи Ғ. Ражабов, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий Кенгаши раиси М. Ҳайдаров, икки марта олимпия чемпиони В. Дуюнова, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори И. Имомхўжаев, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Ш. Шомансуров ва бошқалар Анатолий Блинков шаънига илиқ дил сўзларини изҳор этишди.

Биз юбилей тантанасида иштирок этган халқ таълими ходимларидан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, қисқача интервью олдик.

Тўлқин ҲАЙДАРОВ, А. Икромов туманидаги 193-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

—Анатолий Петровични 31 йилдан буён биламан. У жисмоний тарбия ўқитувчиларининг якин дўсти. У ўзи меҳнатсевар бўлгани учун ҳам яхши ишлайдиган ўқитувчиларни рағбатлантиради, ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Ўзи футбол мутахассиси. Шунинг учун мактабларда футболни кенг оммалаштириш ҳамиша диққат-эътиборида.

Динора АЛИЕВА, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директор ўринбосари:

— Анатолий Петровичнинг спортни оммалаштиришдаги хизматлари беқиёс. У кема бошқарув ўриндиғидаги капитан сингари спортни тўғри йўлдан бошқариб бораяпти. У жойлардаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда видеотехникадан кенг фойдаланишга катта эътибор бераётгани таҳсинга лойиқдир.

Тўлқин ИБРАГИМОВ, Юнусобод туманидаги енгил атлетика бўйича олимпия резервлари спорт мактаби директори, республикада хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими:

— Анатолий Блинков республикада таниқли спортчи. У раҳбар сифатида ҳамиша масалага холис муносабатда бўлади. Энг муҳими, спорт мактаблари муаммоларини ҳал этишга, кадрларни жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор беради. Ҳар галгидек Тошкент шаҳри спортчиларининг бу йилги Халқ таълими вазирлиги тизимидаги спартакиадасида 20 спорт туридан 17 таси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, умумий ҳисобда чемпион бўлганлиги бежиз эмас. Бунда бизнинг енгил атлетикачиларимиз ҳиссаси борлигидан хурсандмиз.

Ғ. МАННОПОВ.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ БИЛИМДОНЛАРИ

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Яшил чироқ» мусобақаларини яхши биласиз. Яқинда ана шундай мусобақалардан бири Боғвўт туманида — Боғвут тумани ўқувчилари терма жамоаси билан Ғаллаорол туманидаги 26-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтди. Қизғин руҳда бўлиб ўтган мазкур беллашувда меҳмонларнинг «қўли баланд келди». (Ҳисоб — 47:38). Шу ўринда голиблар хусусида икки оғиз сўз юритсак.

Ғаллаорол туманидаги 26-ўрта мактаб ўқувчилари 3 йилдан буён вилоят миқёсида ўтадиган «Яшил чироқ» мусобақаларида иштирок этиб, биринчиликка эришаётган ва республика беллашувларида қатнашиб келаётган жамоадир. Жамоанинг мудом ютуқларга эришиб келишида устозлари Дилафрўз Абдуллаева ва Довур Умматовларнинг меҳнатлари улкан. Қолаверса, туман ҳокимияти, вилоят ҳамда туман халқ таълими мутасаддилари томонидан кўрсатилаётган эътибор ҳам болалар қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Ғалаба — ҳали ҳамма нарсага эришилди, деган гап эмас. Олдинда бўлажак мусобақалар талайгина. Биз қисқача тавсифини келтирган йўл ҳаракатининг ёш билимдонлари ҳам келгуси беллашувлар олдидан пухта тараддуд кўриб юришибди.

И. БЎРИБОЕВ.

Afsus

БЕБОШЛИКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Кейинги пайтларда темир йўллар ёқасида ёш болалар ва ўсмирларнинг вагонларга тош отиш ҳолатлари учраб туриши, бир томондан хазинага жиддий моддий зарар етишига сабаб бўлса, иккинчидан йўловчилар соғлигини хатарга қўйиши шубҳасиз. Бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг тез-тез содир қилинаётганлиги, айниқса, бизда йўловчилар хавфсизлиги учун масъул ходимларда анчайин катта ташвиш уйғотмоқда. Бу ҳол ҳудуддаги мактабларда ҳуқуқий таълим бериш ишларининг ҳамон замон талаблари даражасида эмаслигидан, ҳамда ота-оналарнинг тарбия билан етарли шуғулланмаётганликларидан дарак беради, назаримда. Айни пайтда, биз, милиция ходимларининг ҳам ўқув даргоҳларида таъсир доирамизнинг янада кенгайишини тақозо этади.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида арзон нарсанинг ўзи қолмади ҳисоб. Жумладан, темир йўл бўйидаги ёритиш чироқлари, асбоб-ускуналар, темир йўл ҳаракати учун зарур бўлган барча нодир ашё ва жиҳозлар нақд валюта ҳисобига сотиб олинмоқда. Баъзи ёшларимиз эса гоҳида шўҳлик-бебошликдан, гоҳи шунчаки эрмак учун светофор линза (қабариқ чироқ)ларини синдирмоқдалар, бу ҳам кифоя қилмасдан, вагонларга тош отиб, баъзи йўловчиларнинг жароҳат олишларига сабабчи бўлмоқдалар. Поезд изларига тош, темир, баллонлар қўйишдек ярамас одатлар билан шуғулланмоқдалар, бу эса, яна бир бор эслатиб ўтаман, вақти келганда жуда катта фожиаларни келтириб чиқариши мумкин. «Кўза кунда эмас, кунида синади» деган эски нақл бежиз айтилмаган.

Бирин-кетин ўтказилган рейдлар чоғида ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган бир гуруҳ ўсмирлар қўлга туширилди. Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Ф. Хўжаев номли 6-умумий таълим мактаби ўқувчилари — 1980 йилда таваллуд топишган Анвар Шодмонов билан Жалил Муродқосимов, 1981 йилда туғилган Дилшод Одилов билан ундан бир ёш кичик Одилжон Искандаров, ҳамда ҳали ўн иккига ҳам тўлиб улгурмаган Зойир Умаровлар светофорлар ойнасини синдиришдек нобоп машғулот билан шуғулланганларида фош бўлдилар. Натижа эса аён — ота-оналари етказилган моддий зарарни ошиғи билан қоплашга мажбур бўлишди.

Пахтакор туманидаги 13-мактаб ҳамда қўшни Жиззах туманидаги 32-мактабнинг Шуҳрат Дўстмуродов, Элмурод Тойлоқов, Турғунбой Нарзиқулов ва Ҳусниддин Эшназаров сингари ўқувчилари ҳам шўҳликда юқорида исми-шарифлари қайд этилган бебош болалардан ўтса ўтадиларки, асло қолишмайдилар. Бу шумтакалар тақиқланган бўлишига қарамасдан, поезд йўлига яқин масофада мол боқиб юришларидан ташқари, вагон деразаларига тош отишга анча ишқибоз чиқиб қолишди. Табиийки, уларнинг ишқибозликлари ота-оналарига анча қимматга тушди.

Темирйўл деганимиз, бу юксак даражада хавфсизлик чоралари қўрилишини тақозо этувчи ҳаракат майдонидир. Унга, жилла бўлсин, халақит бериш, хавф-хатар туғдириш кечириб бўлмас ҳолдир. Буни ота-оналар, мактаб жамоалари ҳар кун, ҳар қадамда ўз тарбияси ва қўл остидаги ёш авлод вакилларига қайта-қайта уқдириб боришлари керак. Токи равон йўлга нисбатан қилинган норавон ҳаракат, нобоп қилмиш ортидан ота-она юзи шувут бўлиб, мактаб номига доғ тушмасин.

Шукурбой ЭЛМУРОДОВ, Жиззах темир йўл милициясининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими катта нозири, милиция капитани.

ЭЪЛОН

Узбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети (собиқ Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти) томонидан 1982 йилда Равза Ямашова номига берилган ЖБ-№ 1 № 190955 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Урта Чирчиқ туманидаги 3-мактаб томонидан 1995 йилда Гулноза Давлатова номига берилган 050772 рақамли «Таянч мактабни битирганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси иқтисодий таълим бўлими бош методисти Ҳурматой Ҳотамовага онаси

Менгтош ҲОТАМОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6